

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 631.6+633.1

АБДУРАШИДОВА МАЛОҲАТ АБДУҚОДИР ҚИЗИ

**ЗОМИН ТАБИАТ МИЛЛИЙ БОҒИДАГИ ДОРИВОР
ЎСИМЛИКЛАРНИНГ АРЕАЛИ ВА ЗАХИРАЛАРИНИ АНИҚЛАШ**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

5A411101 – Доривор ўсимликлар етиштириш технологияси

Илмий раҳбар б.ф.н., доцент

_____ **Ф.М. Дусмуратова**

“ _____ ” _____ **2019 йил**

Илмий маслаҳатчи: к.х.ф.д.

профессор _____ Э.Т. Бердиев

“ _____ ” _____ **2019 йил**

**АБДУРАШИДОВА МАЛОҲАТ АБДУҚОДИР ҚИЗИНИНГ
“ЗОМИН ТАБИАТ МИЛЛИЙ БОҒИДАГИ ДОРИВОР
ЎСИМЛИКЛАРНИНГ АРЕАЛИ ВА ЗАХИРАЛАРИ АНИҚЛАШ”
МАВЗУСИДАГИ МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯСИ
АННОТАЦИЯСИ**

Мазкур диссертация Зомин табиат миллий боғида тарқалган доривор ўсимликларнинг ареали ва захираларини ўрганиш қаратилган бўлиб, олиб борилган илмий тадқиқотлар ва ҳудуд бўйича олиб борилган флористик ва систематик тадқиқотлар таҳлилига таяниб, ҳудудда тарқалган доривор ўсимликларнинг 19 оила, 30 туркумга оид 35 турга мансуб бирламчи рўйхати шакллантирилди. Ўз навбатида, мазкур турларнинг ҳудуддаги тарқалиш ареали ва захиралари бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили келтирилган.

**АННОТАЦИЯ
МАГИСТРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ ПО ТЕМЕ
«ОПРЕДЕЛЕНИЕ АРЕАЛОВ И ЗАПАСОВ ЛЕКАРСТВЕННЫХ
РАСТЕНИЙ ЗААМИНСКОГО НАЦИОНАЛЬНОГО ПАРКА»
АБДУРАШИДОВОЙ МАЛОХАТА АБДУКОДИР КИЗИ**

Данное диссертация посвящена изучению ареалов и запасов лекарственных растений Зааминского национального парка. По анализу флористических и систематических исследований разработан первичный список лекарственных растений региона по составу 19 семейств, 30 родов, 35 видов. В свое очередь, приведено анализ исследование по ареалов и запасов этих лекарственных растений данного региона.

**ANNOTATION
MASTER DISSERTATION ON TOPIC
"DETERMINATION OF AREALS AND RESERVES OF MEDICINE
PLANTS OF ZAMIN NATIONAL PARK"
ABDURASHIDOVA MALOKHAT ABDUKODIR KIZI**

This dissertation is devoted to the study of the habitats and stocks of medicinal plants of the Zaamin National Park. According to the analysis of floristic and systematic research, the first list of medicinal plants in the region was compiled according to the composition of 19 families, 30 genus, 35 species. In turn, the analysis of the study on the ranges and stocks of these medicinal plants in the region.

№	МУНДАРИЖА	
	КИРИШ	5
I.	АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ	11
II.	ТАДҚИҚОТ ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ҲУДУДНИНГ ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ	17
2.1.	Тадқиқот олиб бориладиган ҳудуднинг иқлими	18
2.2.	Тупроқ таркиби ва ўсимлик дунёси	20
III.	ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА УСЛУБЛАРИ	26
3.1.	Тадқиқот объекти	27
3.2.	Тадқиқотда қўлланиладиган услубиятлар	26
IV.	ЗОМИН ТАБИАТ МИЛЛИЙ БОҒИ ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ БОТАНИК ТАВСИФИ ВА ТАРҚАЛИШ АРЕАЛЛАРИНИ ЎРГАНИШ	29
4.1.	Зомин табиат миллий боғи ҳудудидаги доривор ўсимликларни флористик ўрганиш	96
4.2.	Зомин табиат миллий боғи доривор ўсимликларининг популяциясини ўрганиш	98
4.3.	Зомин табиат миллий боғи доривор ўсимликларининг заҳирасини ўрганиш	100
	ХУЛОСА	102
	АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР	103
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	104

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда аҳоли сонининг ошиши кенг ассортиментдаги доривор, озиқ-овқатбоп ва ҳушбўй-зиравор ўсимликлар хом ашёси хилма-хиллигини кўпайтиришни ҳамда улардан янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Ўз навбатида, бундай хусусиятларга экспортбоп доривор ўсимликларни танлаш, улар хом ашёсига бўлган эҳтиёжларни маҳаллий флорада мавжуд бўлган ёки ўзга ҳудудлар флорасига тегишли интродуцент ўсимликлар ҳисобига қондириш, ўсимликларни турли тупроқ-иқлим шароитида етиштиришнинг самарадор усулларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Фармацевтика саноати ва аҳолини доривор ўсимлик хом-ашёсига бўлган талабини қондириш ва ўсимлик хом-ашёси асосида замонавий доридармонлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2013 йил 5 августдаги 222-сонли мажлиси баёнининг 3 бандида кўрсатилган – “Доривор ўсимликшунослик ва янги дори воситаларини ишлаб чиқариш корхоналарини ташкиллаштириш учун доривор ўсимликларни саноат миқёсида плантацияларини яратиш” ва 2015 йил 20 январдаги № 5-сонли “2015-2017 йилларда ўрмон хўжаликлари тизимини ривожлантириш, доривор ва озиқабоп ўсимликлар хом-ашёсини етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлашни янада кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги мажлис баённомасининг 1.12 банди ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган [1,2].

Биологик ресурслар – шу жумладан доривор ўсимликлар, Ўзбекистонинг табиий бойликларини энг муҳим қисмидир. Ўсимлик ресурсларини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш давлатлараро даражадаги долзарб муаммодир. Иқлим ўзгариши ва инсонларнинг табиий ўсимликлардан нотўғри фойдаланиши уларни йўқолишига олиб келмоқда. Глобал иқлим ўзгариши ва бошқа экологик муаммолар ва инсон фаолияти билан бирлашиши, мавжуд экотизимларнинг, айниқса Ўзбекистон

республикаси хуудининг аксарият қисмини куруқ хуудларида ўлимга олиб келиши мумкин.

Юқорида инобатга олиб, табиий ўсимлик ресурсларини инвентаризация қилиш ҳам минтақавий, ҳам умуммиллий миқёсда, умумлаштириш ва фойдали хусусиятларга эга янги маълумотлар асосида тўлдириш билан бирга, бой ўсимлик ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун илмий асосланган алгоритимни яр атиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон ўсимликлар қоплами бетакрор хом ашё захирасига эга, энг бой генофонд бўлиб, улар тахминан 4500 турдаги юксак ўсимликлардан иборатдир, биологик хилма-хилликни сақлаб қолиши ва оқилона фойдаланиш экологик, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга. Буларнинг барчаси ўсимлик ресурсларини ўрганиш учун жуда муҳим даражада ишлаб чиқилган тавсиялар бўлиб, хатто табиатни муҳофаза қилишни жадаллаштириш ва ўзгарувчан иқлим шароитида ҳам уларни химоя қилиш кафолатини беради.

Юқоридагилардан ташқари республикамизнинг халқ хўжалигини миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш асосан табиий ўсимлик ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишга боғлиқ. Турларнинг мавжуд ҳолатини кейинги химоя ва барқарор фойдаланишни кучайтириш мақсадида жорий ҳолатни аниқлаш учун тақсимот ҳолатни ва шу ҳолатга салбий омилларнинг таъсири тўғрисида йиллик ахборотни олиш керак. Ушбу мониторинг бошқа паралел шароитлар асосида тенг амалга оширилади, Яни муъаян вақт ичида ҳар бир тур ёки экологик жихатдан ўхшаш турлар гуруҳи учун маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш бўйича ягона методология асосида хуудлар аниқланади.

Республиқда олиб бориладиган саноқ, одатда қисмларга бўлинади ёки алоҳида турлар (*Glycyrrhiza bucharica*, *Ferula kuhistanica*, *Capparis herbacea*) чекланган хуудда (миллий боғлар ва ўрмон хўжалиги хуудлари), ёки чекланган вақт ичида амалга оширилади. Кўпгина турдаги популяциялар динамикаси тўғрисида маълумот йиллар давомида янгиланмайди.

Ўсимликлардан фойдаланиш квотасини аниқлаш, шунингдек самарали хавфсизлик чораларини режалаштириш, учун ягона методология асосида тўпланган узок вақтни қамраб олган кенг маълумотга эга бўлиш керак. Бу турларнинг популяция тенденцияларини аниқлашга ёрдам беради, рақамларнинг ўзгариши сабабларини аниқлайди ва келажакда аҳолининг динамикаси хақида ўз вақтида прогноз қилишни таъминлайди.

Буларнинг барчаси республикаимиз биологик захиралари ҳолати тўғрисида узок муддатли ахборотни тақдим этиш билан бирга, уларни сақлаш ва барқарор фойдаланишни ҳам режалаштиради.

Давлатимиз раҳбари томонидан мазкур соҳадаги муаммолар ечимини ҳал этиш йўналтирилган қатор фармон ва қарорлари белгиланди. Жумладан,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2911-сон “Республика фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори;

2017 йил 3 майдаги ПФ-5032-сон “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлиқ-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида” ги фармони;

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Худуднинг ўсимликлар дунёсини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар Е.Е. Короткова, А.Д. Пятытова, П.А. Гомолицкий, Л.И. Назаренко ва Е.М. Демириналар томонидан олиб борилган [105]. XX-асрда худуд бўйича И.В. Белолипов, Н.Ф. Русанов, В.П. Бочанцев, Ф.О. Хасанов ва бошқалар томонидан тармоқли тарзда флористик, систематик ва ўсимликлар интродукцияси бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилди. А.С. Юлдашев [106] “Жанубий Туркистон ва Шимолий Зарафшон тизмаларининг доривор ўсимликлари (биологияси, фитоценотик тавсифи, ресурслари, оқилона фойдаланиш)” номли илмий ишида худуд флораси 97 оила, 706 туркумга мансуб 2588 турни ўз ичига олиб, шулардан 64 оила, 187 туркумга мансуб 286 та тури доривор ўсимлик бўлиб, 51 таси (18%) илмий тиббиётда кенг қўлланилиши келтирилган.

Зомин давлат кўриқхонасининг флораси бўйича энг сўнгги тадқиқот А.С. Эсанкулов томонидан олиб борилиб, ҳудуд учун 1192 тур ўсимликлар таркиби келтирилди [110].

Бундан ташқари, ҳудудда тарқалган камёб, эндем ва доривор ўсимликларни интродукция шароитида биоэкологик хусусиятларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар: А.В. Маҳмудов [57] “*Crocus* L. туркуми турларининг Ўзбекистон шароитида интродукцияси ва биоэкологик хусусиятлари” мавзусидаги илмий тадқиқотлари доирасида ҳудудда тарқалган *C. alata* Regel et Semen ва *C. korolkovii* Regel & Maw ларнинг тарқалиш ареаллари, популяциядаги тутган ўрни ва интродукция шароитида биоэкологик хусусиятлари ўрганилган. М.Д. Турғунов [91] “Ўзбекистон флорасидаги *Iridaceae* оиласи айрим турларининг биоэкологик хусусиятлари” бўйича олиб борган тадқиқотлари доирасида, ҳудудда тарқалган *Juno* туркуми турларининг феноритматипик гуруҳлари аниқлаган. Ўсимликларни ҳаётчанлиги ортиб бориши вегетатив ва генератив соҳаларида рўй берадиган ўзгаришлар исботлаган. А.И. Уралов [15] “*Allium* L. туркуми *Melonocronium* кенжа туркуми айрим вакиллариининг биоморфологик хусусиятлари” мавзусидаги илмий тадқиқотлари доирасида ҳудудда тарқалган 30 яқин *Allium* L. туркуми турларининг интродукция шароитида биоморфологик хусусиятларига оид тадқиқотлар олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Зомин табиат миллий боғи флорасининг доривор ўсимликлари ареали ва захираларини ўрганиш, тадқиқот маълумотларини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Тадқиқот олиб бориладиган ҳудуднинг табиий географик тавсифини таҳлил қилиш;

Тадқиқот ҳудуди иқлимини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

Ҳудуднинг тупроқ таркибини таҳлил ва ўсимликлар дунёсини қиёсий ўрганиш;

Худудда тарқалган доривор ўсимликларнинг бирламчи рўйхатини шакллантириш;

Худудда тарқалган доривор ўсимликларни флористик ўрганиш;

Худуддаги доривор ўсимликларнинг популяцияларини ўрганиш;

Худудда тарқалган доривор ўсимликларнинг захирасини ўрганиш.

Тадқиқот объекти ва предмети: Тадқиқот объекти сифатида Зомин табиат миллий боғида тарқалган 19 оила, 30 туркумга оид 35 турдаги ўсимликлар танлаб олинди. Мазкур турларни тадқиқот объекти сифатида танлаб олиш, худуд бўйича олиб борилган флористик ва систематик тадқиқотлар таҳлилига таяниб шакллантирилди.

Тадқиқот предмети Зомин табиат миллий боғида тарқалган доривор ўсимликларнинг флористик жиҳатдан ўрганиш, ўсимликларнинг захираси ва популяцияларининг ҳозирги ҳолати таҳлил ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда лаборатория ва дала тажрибалари, маршрутли методлар, ўсимликлар захирасини аниқлашда модель ўсимликлар асосида ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Зомин табиат миллий боғи учун 19 оила, 30 туркумга оид 35 турга мансуб бирламчи рўйхати шакллантирилди;

худудда тарқалган доривор ўсимликларнинг етакчи туркумлари бўйича ҳам таҳлилига кўра, етакчи туркум *Allium L.* эканлиги аниқланди;

худуд учун камёб турлар *Allium*, *Ungernia*, *Mediasia*, *Eremurus*, *Colchicum*, *Geranium*, *Dracosephalum*, *Cistanche*, *Verbena*, *Tribulus* туркуми вакиллари эканлиги аниқлаб, мазкур турлар яқка-яқка ёки жуда кичик популяцияларни ташкил қилган ҳолда ўсиши тавсифланди;

худудда Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган *Ferula sumbul* (Kauffm.) Hook. f. ва *Eremurus robustus* Regel тарқалганлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти: Олинган натижаларнинг назарий аҳамияти, биринчи марта худуд учун 19 оила, 30

туркумга оид 35 турга мансуб бирламчи рўйхати шакллантирилганлиги, олинган натижалар таҳлили асосида мазкур турларнинг ҳудуд бўйича тарқалиш ареали ва захиралари бўйича маълумотларнинг илмий асосланган ҳолда тақдим этилганлиги, тадқиқот натижаларини илмий мақолаларда акс эттирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижаларни республикамизда табиатдан фойдланувчилар учун доривор ўсимликларнинг йиллик квота берилиши жараёнида ва ўрмон хўжалиги фонди ерларида доривор ўсимликлар ареали ва захиралари бўйича маълумотларни янгилашда хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 3 та илмий маъюолалар нашр этилган. Шундан 1 та ҳалқаро илмий-амалий анжуманда, 2 та си Республика миқёсидаги илмий журналларда муҳокамадан ўтказилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 103 бетни ташкил этади.

I. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Доривор ўсимликларнинг одамлар томонидан истеъмол қилиниши жуда қадимдан маълумдир. Кейинчалик эса, бу ўсимликларнинг дориворлик хусу-сиятларини ўрганилиши ва халқ табобатида қўлланилиши қадимги Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон ва Римда кенг тарқалди. Ўрта асрларда дори-вор ўсимликларнинг халқ табобатида фойдаланилиши Ўрта Осиёда, Кавказ-да, араб давлатларида кенг ёйилди, уларни ўрганиш, ҳатто маданий ўсимликлар сифатида ўстириш ва етиштириш эҳтиёжи ҳам туғила борди [116].

А.П.Орехов [117] ўсимликлар таркибидаги алкалоидларни ўрганди. Унинг шогирдлари О.С.Содиқов ва С.Ю.Юнусовлар доривор ўсимликларнинг химиявий таркибини аниқлашда кўпгина ишларни амалга оширдилар.

Шифобахш ўсимликлар тўғрисида илмий-тадқиқотларни олиб борган олимлардан С.С.Саҳобиддинов, уларни илмий асосда ўрганиш борасида Ҳ.Х.Холматов ва К.Тайжанов ларнинг ҳам улкан хизматлари бор [118, 119].

Шуни ҳам назарда тутмоқ жоизки, доривор ўсимликлардан олинаётган дори-дармонлар кимёвий сунъий равишда олинадиган препаратларга нисбатан афзаллиги билан ажралиб туради. Табиат эҳсони бўлган ўсимликлардан таркиб топган дори-дармонлар деярли асоратсиз ҳисобланади. Мамлакатимизда шифобахш доривор ўсимликлар маҳсулотларини sanoat ва табобат учун етиштириб берадиган махсус ихтисослаштирилган хўжаликлар йил сайин кўпайиб бормоқда. Шунингдек, республикамизда учрамайдиган, эндиликда табиатимизга мослаштирилаётган ёки Ер шарининг бошқа флористик областларидан интродукция қилинаётган ва иқлимлаштирилаётган доривор ўсимликларни ўрганиш соҳасида ҳам олимлар кўпгина ишлар қилдилар ва бу изланишлар давом эттирилмоқда.

1892 йилда Москвада бўлиб ўтган ботаниклар ва зоологлар съездида, янги озуқабоп, техник ва доривор ўсимликларни Ўрта Осиё шароитида синаб кўриш ва илмий жиҳатдан ўрганиш масаласи кўйилди. Шунга асосланган

ҳолда, Каспий орти воҳасида илмий асосда иқлимлаштириш станцияси ташкил қилинди ва 1893 йилда станцияда 112 тур ўсимликлар ўрганиш учун экилди. Улардан 7 тури доривор ўсимликлар (*Foeniculum vulgare* Mill, *Rhamnus catartica* L., *Matricaria recutita* (L.) Rauschert., *Salvia officinalis* L. ва бошқ.) бўлиб, кейинчалик уларнинг қатори табобатда кенг қўлланиладиган муҳим (*Altaea officinalis* Kr., *Angelica archangelica* L., *Rosmarinus officinalis* L. ва бошқ.) турлар билан тўлдирилди [120].

Шу вақтга келиб, Туркистон мевачилик қишлоқ хўжалиги жамияти бўлими, деҳқончилик бош бошқармаси ёнида доришунослар гуруҳини ташкил этди. Бу гуруҳ томонидан келажакда Туркистон ўлкасида экиладиган ва ўрганиладиган доривор ўсимликлар қаторини тузиш, уларни экишни режалаштириш ва коллекциясини ташкил этиш мақсад қилиб олинди. Экиладиган доривор ўсимликлар қаторига *Digitalis purpurea* L., *Valeriana officinalis* L., *Arnica montana* L., *Glycyrrhiza glabra* L. ва бошқалар киритилди [121].

А.Талишевский [122] томонидан доривор ва хушбўй озуқабоп ўсимликлар (*Mentha piperita* L., *Crocus sativus* L., *Anisum vulgare* Gaertn., *Rinicus communis* L., ва бошқ.) нинг экилиши таклиф этилди [182]. Каспий бўйларида эса В. И. Гомилевский томонидан *Atropa belladonna* L., *Ruta graveolens* L., *Pyretrum roseum* (Adans) М. В. ва шунингдек, 10 тур доривор ўсимликларни экиш режалаштирилди [121]. А.А.Дылевский илмий ишларида Туркистон ўлкасида ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ўсимликлар (*Angelica archangelica* L., *Cartamnus tinctorius* L., *Inula helenium* L., *Origanum vulgare* L. ва бошқ.) ни маданий ҳолда экиш мумкинлигини тавсия этади ва Туркистон қишлоқ хўжалиги жамиятининг коллекциясида 80 тур доривор ва техник ўсимликлар ўстирилаётганини маълум қилади. Экиш учун ўсимликларнинг уруғлари Россия, Америка, Франция ва Англиядан олинди. Натижада, *Adonis aestivalis* Vobr., *Bryonia alba* L., *Borago officinalis* L. ва бошқа ўсимликлар ўстирилиб кўпайтирилди .

Шундай қилиб, амалга оширилган илмий ишлар, доривор ўсимликларнинг интродукцияси ва иқлимлаштирилиши соҳасида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилди. Дастлаб, Ўрта Осиё Давлат университетининг Ботаника боғи олимлари томонидан маҳаллий ва четдан келтирилган доривор ўсимликлар интродукция шароитида ўстирилди. Доривор ўсимликларнинг коллекцияси ташкил этилди.

С.Н.Кудряшов ва П.К.Озолинлар [123] 23 тур доривор ва эфир-мойли ўсимликларнинг географик тарқалишига асосланиб экиб, синовдан ўтказдилар. Илмий ишлар Ўрта Осиё Давлат университети-нинг Ботаника боғида, Тошкент атрофида, Бўзбозорда, жанубий-ғарбий Тянь-Шан тоғ олди адирликларида, Хўжанд ва Чимёнда олиб борилди. Экилади-ган уруғлар ва кўчатлар Никитин Ботаника боғи (Ялта) ва Бутуниттифоқ доривор ўсимликлар илмгоҳи (Ленинград) дан олинди. Доривор ўсимликлар-нинг интродукция шароитида, географик хилма хил митақаларда ўстириш, ривожланиши, биологияси ва биологик фаол моддаларнинг ўрганилиши хусусида илмий изланишлар амалга оширилди.

С.Н.Кудряшов [121].ўзининг «Эфир-мойли ўсимликлар ва уларнинг Ўрта Осиёда ўстирилиши» номли монографик асарида 23 тур эфир-мойли ўсимликларнинг географик шароитларда ўсиши ва хусусиятлари асосида интродукцион тажрибаларининг натижаларини таҳлил қилиб, ўсимликлар-нинг интродукцион чидамлилиги тўғрисида ахборот берди. У Ўзбекистон иқлим ва тупроқ шароитида Ўрта ер денгизи, Жанубий Европа, Шимолий Африка, Осиё, Эрон, Афғонистон, Шимолий Американинг Атлантик бўйи районлари, субтропик Хитой ва Япониядан кўп йиллик ўсимликларни, Ҳиндистон ва Цейлондан бир йиллик доривор ўсимликларнинг интродукция қилиниши қониқарли натижалар беришини исботлаб берди ва уларни ўстириш учун тавсия қилди .

Р.Л.Хазанович, М.И.Руссиян, П.А.Гомолицкий лар ўз ишларида маҳаллий ва четдан келтирилган доривор, крахмал сақловчи ва эфир-мойли

Ўсимликларни интродукция шароитида ўсиши ва ривожланиши, кимёвий таркибининг ўзгаришларини ўргандилар [123].

Бир қатор олимлар илмий ишларида ҳам маҳаллий, ҳам четдан келтирилган доривор ўсимликларни интродукция шароитида ўрганиб, интродуцентларнинг мослашиш хусусиятларини илмий жиҳатдан асослаб бердилар. Хусусан, Ҳ.Х.Холматовнинг қайд этишича, Ўзбекистон флорасида доривор ўсимликларнинг 577 тури мавжуд бўлиб, улар 381 туркум ва 93 оилага мансубдир [211].

Уларнинг 140 тури маданий ҳолда экилади. Доривор ўсимликларнинг 47 тури эса Собиқ Иттифоқ Давлат фармакопеясига киритилгандир (ГФ-IX нашр). Илмий таъбиқатда ҳозирги вақтда 180 тур доривор ўсимлик фойдаланиш учун рухсат этилган бўлиб, уларнинг 65% ёввойи ҳолда учрайди [119].

С.М.Мустафоев Қашқадарё ва Сурхондарё воҳасининг доривор ўсимликлари, Т.П.Пўлатова, Ҳ.Х.Холматов, Н.Н.Жўраев Ўзбекистоннинг ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ўсимликлари ва Тошкент воҳаси доривор ўсимликлари, С.С.Сағатов Ўзбекистоннинг сапонин сақловчи ўсимликлари тўғрисида илмий тадқиқотлар олиб бордилар [122].

Шунингдек, Н.Н.Шораҳимовнинг *Peganum garmala* L., М.У.Оллоёров (1974) нинг Ўрта Осиёда *Rheum* L. туркуми вакилларининг тарқалиши, У.Раҳмонқуловнинг Фарбий Тянь-Шаннинг терпен моддаси сақловчи ўсимликлари ва уларнинг фойдаланилиши, Қ.Ҳ.Ҳожиматовнинг доривор ва эфир мойли ўсимликларнинг заҳираларини аниқлаш, А.С. Юлдошевнинг Жанубий Туркистон ва Шимолий Зарафшон тизмаларининг доривор ўсимликлари тўғрисидаги илмий асарлари яратилди [113, 126].

Ўзбекистоннинг шимолий ҳудуди бўлган Қорақалпоғистон флорасида 343 тур доривор ўсимликлар аниқланиб, шулардан 15 турига (фармакопеяга кирган турлар) экологик жиҳатдан ва хом-ашё заҳираларининг ҳажми тўла таҳлил қилинди [128].

О.А.Ашурметов ва Ҳ.Қ.Қаршибоевнинг [127] Ширинмия ва Меристотрописнинг репродуктив биологияси, Л.А.Шамсувалиеванинг *Glycyrrhiza L.* ва *Meristotropis* Fish. et Mey. туркумига мансуб турлар вегетатив ва генератив органлари тузилишининг ўсимлик онтогенезида шаклланиши ва уларга галофакторнинг таъсири тўғридаги илмий ишлари билан доривор ўсимликлар тўғрисидаги билимлар янада бойитилди [129].

Ҳозирги кунга қадар Зомин табиат миллий боғидаги доривор ўсимликларнинг ареали ва захиралари аниқлашга қаратилган муфассал илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Лекин, Зомин давлат қўриқхонаси флорасини ўрганиш бўйича қатор илмий тадқиқот ишларини кузатишимиз мумкин. Унга кўра, 1937 йилда М.Г. Попов ва Н.В. Андросовалар томонидан Зомин қўриқхонаси флораси бўйича энг биринчи ва ягона илмий тадқиқот иши олиб борилиб, ҳудуд учун 368 тур таркиби келтирилган.

Охириги йилларда ҳудуднинг ўсимликлар дунёсини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар Е.Е. Короткова, А.Д. Пятёва, П.А. Гомолицкий, Л.И. Назаренко ва Е.М. Демириналар томонидан олиб борилган [105].

XX-асрда ҳудуд бўйича И.В. Белолипов, Н.Ф. Русанов, В.П. Бочанцев, Ф.О. Хасанов ва бошқалар томонидан тармоқли тарзда флористик, систематик ва ўсимликлар интродукцияси бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилди [102].

А.С. Юлдашев “Жанубий Туркистон ва Шимолий Зарафшон тизмаларининг доривор ўсимликлари (биологияси, фитоценотик тавсифи, ресурслари, оқилона фойдаланиш)” номли илмий ишида ҳудуд флораси 97 оила, 706 туркумга мансуб 2588 турни ўз ичига олиб, шулардан 64 оила, 187 туркумга мансуб 286 та тури доривор ўсимлик бўлиб, 51 таси (18%) илмий тиббиётда кенг қўлланилиши келтирилган [113].

Мазкур ишда ҳудудда доривор ўсимликларнинг тик минтақалар бўйича тарқалиш хусусиятлари аниқланган. Унга кўра, чўлда – 104 тур (86.4%);

адирда – 207 (72.4%); тоғда – 180 (62.9%), яйловда – 41 (14.3%) доривор ўсимликлар учрайди.

Зомин давлат қўриқхонасининг флораси бўйича энг сўнгги тадқиқот А.С. Эсанкулов томонидан олиб борилиб, ҳудуд учун 1192 тур ўсимликлар таркиби келтирилди [112].

Бундан ташқари, ҳудудда тарқалган камёб, эндем ва доривор ўсимликларни интродукция шароитида биоэкологик хусусиятларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар:

А.В. Маҳмудов “*Crocus* L. туркуми турларининг Ўзбекистон шароитида интродукцияси ва биоэкологик хусусиятлари” мавзусидаги илмий тадқиқотлари доирасида ҳудудда тарқалган *C. alatavicus* Regel et Semen ва *C. korolkovii* Regel & Maw ларнинг тарқалиш ареаллари, популяциядаги тутган ўрни ва интродукция шароитида биоэкологик хусусиятлари ўрганилган [57].

М.Д. Турғунов “Ўзбекистон флорасидаги *Iridaceae* оиласи айрим турларининг биоэкологик хусусиятлари” бўйича олиб борган тадқиқотлари доирасида, ҳудудда тарқалган *Juno* туркуми турларининг феноритматипик гуруҳлари аниқлаган. Ўсимликларни ҳаётчанлиги ортиб бориши вегетатив ва генератив соҳаларида рўй берадиган ўзгаришлар исботлаган [91].

А.И. Уралов “*Allium* L. туркуми *Melonocronium* кенжа туркуми айрим вакилларининг биоморфологик хусусиятлари” мавзусидаги илмий тадқиқотлари доирасида ҳудудда тарқалган 30 яқин *Allium* L. туркуми турларининг интродукция шароитида биоморфологик хусусиятларига оид тадқиқотлар олиб борилган [105].

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Зомин табиат миллий боғидаги доривор ўсимликларнинг ареали ва захиралари аниқлашга қаратилган мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Шу нуқтаи назардан, тадқиқотлар давомида мазкур ҳудуднинг доривор ўсимликлари ареали ва захиралари бўйича маълумотларни таҳлил қилишни мақсад қилдик.

II. ТАДҚИҚОТ ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ҲУДУДНИНГ ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ

Зомин миллий боғи Туркистон тизмасининг шимолий тоғ қияликларида жойлашган (Ғарбий Помир-олой). Миллий боғ чегараси Туркистон тизмасининг жанубий қисмидан, то унинг шарқий қисмигача, Бойқўнғирсой водийсигача тарқалган. Миллий боғнинг шимолий қисми маълум бир чегарага эга бўлмай, Молгузар адирликлари билан туташган. Зомин миллий боғининг вужудга келиши машҳур Б.А. Федченко номи билан боғлиқ. У 1960 йиллар мобайнида Туркистон тизмасининг ғарбий қисмида илмий изланишлар олиб борган. Бундан ташқари, миллий боғ ҳудудида А.А. Кушакевич [48], В.И. Липский [50], И.А. Преображенский [68], З.А. Минквиц [53], С.С. Неустроев [59], А.И. Михельсон [54] лар томонидан илмий изланишлар олиб борилган. 1916 йилда О.Э. Кнорринг [36] томонидан кўринқхонанинг ўсимликлар дунёси ўрганилган. 1978 йилдан бошлаб бу ҳудуд Ўзбекистон миллий боғи таркибидаги миллий боғ ҳисобланиб, унинг умумий ер майдони 26840 гектарни ташкил этади.

2.1. Ҳудуднинг географик жойлашиши (Орографияси).

Миллий боғнинг замонавий рельефи мезозой эрасида тамомила ажралиб чиққан. Миллий боғ ҳудуди Туркистон райони, Ўрта Зарафшон округи, Ғарбий Тянь-шань провинцияси таркибида жойлашган. Унинг ландшафтлари Ўрта Зарафшон округи учун муҳим аҳамиятга эга. Миллий боғ тоғ қилиқларининг кетма-кетлик алмашиши нафақат Туркистон тизмаси учун, балки Ғарбий Тянь-Шаньнинг кўп қисми учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Миллий боғнинг геологик тузилиши Туркистон тизмасининг шимолий қисмида жойлашишига қараб аниқланган, унинг майдони Помир-олой тизмасига томон 340 км кенгликда тарқалган. Миллий боғ ҳудудида палеозой эрасининг метаморфозлашган тоғ жинслари тарқалган бўлиб, айрим ҳолларда мезозой ва кайнозой эраси қатламлари учрайди. Бу ҳудуд сейсмик жиҳатдан (зилзилалар бўлиши эҳтимоли) юқори даражадаги ҳудуд

ҳисобланиб, одатий зилзилалар 4 балл, лекин охириги 10 йил ичида 2 марта 8 баллик зилзилалар кузатилган.

Миллий боғ худудининг мутлоқ баландлиги 1700 метр (Гуралаш водийси) то, 3571 метр (Гуралаш чўққиси). Баландликлар жанубдан шимолга томон камайиб, умумий баландлик шарқдан ғарбга томон пасайиб боради.

Миллий боғнинг юқори тоғ қисми структуравий рельеф кўринишида. Юқори қияликлар қисми бир-биридан ажралган жарликлардан иборат, тоғ дараларида чуқур ва энсиз тоғ дарёлари мавжуд. Бу худудлар қор кўчиш эҳтимоли юқори жойлар ҳисобланади.

Ўрта тоғ қисми эса денудацион струруктуравий шаклга эга (Д.В. Наливкин). Бу худудда қор кўчиш эҳтимоли пастроқ. Бу худудда табиий тўсиқларнинг кўп учраши сел келишини олдини олади. Ўз навбатида 1870-1970 йиллар мобайнида бу худудда 15 марта сел оқиши ҳодисаси кузатилган. Бу ҳолат Сангзор водийсига нисбатан (Сангзор водийсида 2-3 йилда сел келиши кузатилади) жиддий равишда паст кўрсаткич ҳисобланиб, ўсимликлар дунёсини сақланиб қолишида катта аҳамият касб этади.

2.2. Тадқиқот олиб бориладиган худуднинг иқлими.

Зомин табиат миллий боғининг иқлими кўп йиллар мобайнида 2100 метр баландликда жойлашган Кульсой гидрометеорологик станцияси томонидан ўрганилиб келинмоқда (жад. 2.1). Бу худудда ўзига бир мунча совуқ, ёз фасли нам ва қиш эса мўътадил совуқ бўлади.

Бу худудда йиллик ҳаво ҳарорати $4,8^{\circ}\text{C}$, ойлик ҳаво ҳарорати: энг иссиқ ойда (июль) $21,6^{\circ}\text{C}$, энг совуқ ойда (январь) $-5,9^{\circ}\text{C}$. Куз фасли етарли даражада илиқ (14°C), қиш эса совуқ (16°C). Июнь ойидан то сентябргача куруқ мавсум ҳисобланиб, бир ойда ёғингарчилик миқдори 2-5 мм.ни ташкил этади. Ҳавонинг нисбий намлик миқдори, мавсум ўзгаришларига қараб ҳар хил 37% (август) дан, то 67% (март) гача, йиллик ҳ.н.н. миқдори эса ўртача 55% ни ташкил этади.

Октябрь ойидаёқ қор ёғиши кузатилсада, доимий қор қопланиш жараёни декабрь ойидан бошланиб, 120 кун атрофида (март ойигача)

сақланиб туради. Ўрмон минтақасида қорнинг чуқурлиги ўртача 40 см.гача етади. Мавсум давомийлиги жиҳатдан – ёз узоқроқ давом этиб (май-сентябрь), куз фасли эса сезиларли даражада қисқа (октябрь-ноябрь) бўлади. Энг юқори ҳаво ҳарорати 33⁰С, энг паст ҳарорат -32⁰С кузатилган. Вегетация даври давомийлиги ўртача 240 кунни ташкил этади. Ўз навбатида фаол ҳаво ҳаво ҳарорати 2260⁰С бўлиб, бу ҳароратлар оралиғидаги вақт 126 кунни ташкил этади. Миллий боғдаги Кулсой баландлигида (2100 м) йил давомида 400 мм ёғингарчилик кузатилади. Ёғингарчиликнинг асосий қисми (63%) баҳор фаслида, қолган қисми эса ёз фаслида кузатилади.

Кузда бир ой давомида ёғингарчилик 20-40 мм бўлиб, ўз навбатида бир ойлик ҳаво ҳарорати ўртача октябрь - 4⁰С, ноябрь – 0,2⁰С. Қўриқхонада қиш фасли мўътадил, етарли даражада давомий (декабрь-март) бўлиб, илиқ ҳаво январь ва февраль ойларида 15⁰С гача етади.

Жадвал 2.1

Станция	Ойлик ҳаво ҳарорати ⁰ С (2017)											
	Ойлар											
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Кулсой	-5,9	4,8	4,8	9,8	15,3	19,0	21,6	20	14,0	9,0	3,6	-0,2
Станция	Ойлик ҳаво ҳарорати ⁰ С (2018)											
	Ойлар											
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Кулсой	4,1	4,8	4,1	9,5	14,8	18,0	22,0	19	14,8	8,5	4,0	-0,2
Станция	Ойлик ёғингарчилик миқдори мм (2017)											
	Ойлар											
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Кулсой	24	34	64	80	68	29	13	11	2	21	29	18
Станция	Ойлик ёғингарчилик миқдори мм (2018)											
	Ойлар											
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Кулсой	22	32	65	78	65	27	14	12	3	22	27	20
Станция	Ойлик шамол тезлиги м/сек (2017)											
	Ойлар											
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Кулсой	1,5	1,7	1,9	1,6	1,5	1,4	1,4	1,2	1,3	1,4	1,3	1,5
Станция	Ойлик шамол тезлиги м/сек (2018)											
	Ойлар											
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Кулсой	1,4	1,8	2,0	1,7	1,6	1,5	1,5	1,4	1,4	1,5	1,5	1,6

Баҳор фасли одатда март ойининг ўрталарида бошланиб, кескин қор эриши ва ёгингарчилик миқдори кўпайиши кузатилади. Шунинг учун, апрель ойининг ўзида йиллик ёгин миқдорининг учдан бир қисми кузатилади.

2.3. Сув ҳавзалари (Гидрографияси).

Миллий боғ ўзининг Зомин ва Сангзор сойлари ва кўплаб кичик дарёлари билан ўзига хос хусусиятга эга. Бу сойларга Туркистон тизмасининг қор эриши натижасида ва кўплаб чашмалар келиб қўшилишади. Энг катта дарёчалар Кулсой ва Гуралаш ҳисобланади. Барча сой ва дарёчалар сув оқимининг энг юқори кўрсаткичи май ойида, энг паст кўрсаткичи эса июль ойида кузатилади.

2.4. Тупроқ таркиби ва ўсимлик дунёси.

Тупроғи. Юқори минтақа тупроғи маълум бир қонуният асосида ташкил топган. Субарид минтақада, миллий боғнинг шимолий-ғарбий қисмининг делювиаль ва элювиаль қатламларда маҳаллий тур тупроқлар оғир кумоқ таркибли қора бўз тупроқлардан иборат. Бу тупроқлар карбонатли ва чириндисиздир М.А. Панков [64]. Шимолий ёнбағирликларда ўртача чириндили – 4-5% кумоқ тупроқларни учратиш мумкин. Интрозонал тупроқларни ўтлоқзорларда, ўтлоқ-ботқоқ тупроқлари сув оқимлари атрофида, сув чиқиш жойларида ва қор эриш зонасининг қирғоқларида

учратиш мумкин. Уларнинг 3% дан 7% гача чиринди сақлаши ўзига хос хусусият ҳисобланади В.Н. Таганцев [77].

Миллий боғнинг географик жойлашиши (орография), микроклими, ўсимликлар дунёси хусусиятларига қараб, 3 та баландлик минтақасининг иқлимини кузатиш мумкин: Субарид, яъни ўрта тоғи минтақаси (1700-2500 метр), Юқори тоғ аридно-гумид (2500-3000), яйлов минтақаси (3000-3500). Элювиаль ётқизиқлари учун жигарранг тупроқлар хос [34]. Уларнинг намлик даражаси ва механик таркибига кўра қора-бўз тупроқларга яқин бўлсада, чиринди миқдори 7-8% гача бўлиши билан фарқланади.

Бундан ташқари миллий боғда маҳаллий тупроқларнинг таркиби тоғ жинсларининг нураши натижасида ўзгариб туради. Миллий боғнинг жанубий қисми 3000-3300 метр баландликдаги юқори тоғ ландшафтларининг ўзига хос хусусияти бир-биридан кучли ажралган қияликлардан иборат.

Зомин табиат миллий боғининг ўсимликлар дунёсининг қисқача тавсифи. Миллий боғнинг ўсимликлар дунёси таҳлили бўйича илмий изланишлар 1866 йилда Б.А. Федченко томонидан ғарбий Помир-Олой ўсимликлар дунёси таҳлили натижасида ўрганилган. Бундан ташқари бир қатор йирик олимлар М.Г. Попов ва Н.В. Андросов томонидан 1930 миллий боғ флораси таҳлили ишлаб чиқилган бўлиб, миллий боғ дендрофлораси батафсил ишлаб чиқилиб, 13 доминант турлар аниқланган.

Р.В. Камелиннинг [26] ўсимликларнинг флорегенетик классификацияси бўйича 5 флороценотипга бўлиб ўрганилган [105].

1. Катта арчазорлар - асосий эдификаторлар - *Juniperus polycarpos* var. *sarawschanica* миллий боғнинг асосий доминант ўсимликлари ҳисобланиб, 0,8 доиравий чегарада денгиз сатҳидан 1600-2500 метр баландликдаги қияликларни қоплаган. Буталардан *Rosa canina*, *R. esae*, *R. maracandica*, *R. transturkestanica*, *Lonicera altmanii*, *L. microphylla*, *Cotoneaster nummularia*, *Ephedra equisetina*, *E. intermedia*. Кўп йиллик ўсимлик хилма-хил бўлиб, субдоминант сифатида ўт ўсимликлар таркибида бўлади. Арчазорлар таркибида асосий ўсимлик сифатида кўнғироқгуллар - *Campanula glomerata*

тарқалган. Улар билан бир каторда *Pedicularis krylovii*, *P. popovii* u *P. Rhinanthoides*, астрагаллардан *Astragalus dendroides*, *A. pterocephalus*, *A. turkestanus*, *A. skornjakovii*, *A. platyphyllus*, бундан ташқари, *Scabiosa songarica*, *Valeriana ficarilfolia*, *Impatiens parviflora*, *Artemisia tenuisecta*, *Lophanthus schtschurovskianus* кабилар мавжуд. Бошоқли ўсимликлар буғдойиқ *Elytrigia trichophora*, ковуллар *Stipa caucasica*, *S. hohenackeriana*, *S. Lessingiana* ҳаттоки бетаганинг айрим турлари *Festuca valesiaca*, *F. karatavica* каби турлар тоғ ёнбағирларига чиқиш жойларида кичик гуруҳларни ташкил қилган ҳолда учрайди. Помир-Олой тизмасида субдоминант бўлган *Artemisia туркуми* миллий боғ худуди Зарафшон арчазорлари флороценотида кам тарқалган бўлиб, миллий боғ ўсимликлар дунёси таркибида кичик популяциялар ташкил қилган. Рудерал ўсимлик ҳисобланган *Draconia dracunculus* деярли кам учрайди. Зарафшон арчаси популяциялар таркибининг яна бир ўзига хос хусусияти, коврак туркими (*Ferula*), андиз туркуми (*Inula macrophylla*) вакилларнинг учрамаслигидир. Худди шундай хусусият пиёз андиз (*Hordeum bulbosum*) айтиш мумкин.

Зомин арчазорларининг Туркистон ва Олой тизмасидан фарқли томони, бу худудда Марказий Тянь-Шань ҳамда Шимолий Помир-Олойнинг ўзига бегона ўтлари ҳисобланган *Convolvulus fruticosus*, *Caragana frutex* каби турларнинг умуман учрамаслидир (М.И Пряхин [69], В.Н Павлов [63]). Бу ҳолат кичик ҳисобда ўсимликлар қопламини бузилишига асос бўлади. Доминант турлар сифатида бир номли минтақа ташкил қилмайдиган *A. leiosemius*, *A. bactrianus*, *Onobrychis echidna* турлар ҳисобланади.

2. Кичик арчазорлар – эдификаторлар - *Juniperus pseudosabina* – саур арча. Миллий боғ худудида 0,5 доиравий чегарада денгиз сатҳидан 2500-3200 метр баландликдаги қияликларни қоплаган. Асосий субдоминант *Juniperus semiglobosa* ҳисобланиб, буталар тулари эса кам бўлиб, буларга *Berberis oblonga*, *Cotoneaster nummularia*, *Rosa ecae*, *Ribes meyeri*, *Lonicera persica*, *L. microphylla*, *L. altmanni* киради. Арчазорлар остидаги соя жойларда асосий мезофитлар ўт ўсимликлар ҳисобланиб, *Paropyrum anemonoides*, *Thalictrum*

minus, *Asyneuma argutum*, *Crepis multicaulis*, *Senecio songaricus*, *Galium aparine*, *Galium songaricum*, *Lepyrodiclis stellarioides*, *Stellaria alsinoides*; а также *Geranium collinum*, *Astragalus tibetanus*, *Myosotis sylvatica*, *Ranunculus songaricus*, *Phleum alpinum*, *Potentilla asiae-mediae* каби турлар асосий ўтлоқзорларни ташкил қилади. Бу ҳудуд флорасининг ўзига хослиги кўп йиллик ўсимликларнинг хилма-хиллиги бўлиб, *Festuca valesiaca*, *Poa attenuata*, *Poa bulbosa*, *Carex stenophylla*, *Carex nitida*, *Inula rhizocephala*, *Achillea millefolium*, *Campanula glomerata*, *Polygonum alpinum*, *Polygonum paronychioides*, *Oxytropis lehmanni*, *Aulacospermum roseum*, *Astragalus platyphyllus*, *Astragalus pamiroalaicus*, *Thymus sarawschanicus*, *Allium barsczewskii*, *Acantholimon aff. alatavicum*, *Trigonella griffithii*, *Colchicum luteum*, *Erigeron khorassanicum*, *Polygonum acerosum*, *Leontopodium fedtschenkoanum*, *Veronica biloba*, *Arenaria serpyllifolia* каби турлар мавжуд. Саур арча популяциялари таркибининг ўзига хослиги, улар таркиби *Eremurus* туркуми турларнинг мукамал учрашидадир. Мисол сифатида бу ҳудудда чакалакзорлар ташкил қилиб ўсувчи оқ гулли *E. kaufmannii* келтириш мумкин. Бу ҳудуднинг яна бир ўзига хос хусусияти ер бағирлаб ўсувчи арча шакллариининг учрамаслигидир.

3. Тоғ чўллари – эдификаторлар - *Festuca valesiaca*, *Stipa caucasica*, *Calamagrostis laguroides* ҳисобланади. Бу флороценотип 2400-3100 метр баландликда тарқалган. Бу ҳудуд юқори тоғ майсазорларини ташкил қилувчи *Allium kaufmannii*, *Parnassia laxmannii*, *Stellaria alsinoides*, *Bromus turkestanicus*, *Poa attenuata*, *Gagea dshungarica*, *Lagotis korolkowii*, *Cerastium cerastoides*, *Potentilla gelida*, *Gypsophila cephalotes*, *Petrorhagia alpina*, *Primula algida*, *P. Iljinskyi*, *Myosotis caespitosa*, *Juncus articulatus*, *Carex songorica*, *Carex melanantha*, *Juncus macrantherus*, *Ranunculus pulchellus*, *Festuca rubra*, *Poa alpina*, *Alchemilla krylovii*, *Sibbaldia tetrandra*, *Botrychium lunaria*, *Triglochin palustris*, *Alopecurus pratensis* турлардан иборат.

4. Қоя тошли қияликлар флороценотипи –Петрофитлар: Кичик гуруҳларни ташкил қилувчи, турли хилдаги кўп йиллик ер бағирлаб ўсувчи

Ўсимликлар киради. Денгиз сатҳидан 2200 метр баландликда *Cerasus erythrocarpa*, *Pentaphylloides parvifolia*, *Asperula setosa*, *Lagochillus sarawschanicus*, *Cylindrocarpa sewerzowii*, *Sergia regelii*, *Perovskia scrophulariifolia*, *Megacarpaea gigantea*, *Silene brahuica*, *S. guntansis*, *Pseudosedum lievenii*, *P. longidentatum*, *Scutellaria galericulata*, *S. immaculata*, *Pseudoclausia turkestanica*, *Parietaria judaica*, *Seseli korovinii*, *Cephalorrhynchus songaricus*, *Lepidolopsis turkestanica*, *Vicoa albertoregelia* кабилар учрайди. Юқори минтақага кўтарилган сари ўсимликлар хилма-хилма камайиб боради (*Youngia sarawschanica*, *Schtschurowskia meifolia*, *Lomatocarpa albomarginatum*, *Alposelinum albomarginatum*, *Achoriphragma fruticulosa*, *Rhodiola gelida*). Айнан Помир-Олой тизмасининг петрофит ўсимликлари эндем турларнинг асосий қисмини ташкил қилади.

5. Қора ўрмон флороценоטיפи – Асосан кенг баргли дарахт турларидан эдификаторлар *Acer turkestanicum*, *A. semenovii*, *Crataegus turkestanica* ҳисобланади.

Бу флороценотип 1700-2400 метр баландликда жойлашган бўлиб, ўсимликлар дунёсининг хилма-хилма анча паст кўрсаткичга эга. Ёнғоқ турларидан фақатгина *Juglans regia* учрайди. Бу ҳолатни *Malus sieversii* ва *Prunus divaricata* турлари учун айтиш мумкин. Асосан заранг, сийрак ҳолда дўланалар учраб, буларга субдоминант сифатлар учқат ўсимлиги тарқалган. Ўт ўсимликлар қопламини *Brachypodium sylvaticum*, *Poa nemoralis*, *Impatiens parviflora*, *Thlaspi arvense*, *Solenanthus circinnatus*, *Agrostemma githago*, *Melandrium album*, *Oberna behen*, *Corydalis ledebouriana*, *Thalictrum minus*, *Dictamnus angustifolius* лар ташкил қилади. Тоғ дараларида, сувга яқин жойларда якка-якка, айрим ҳолларад кичик гуруҳларни ташкил қилган ҳолда *Betula tianschanica*, *Elaeagnus angustifolia*, *Hippophaë rhamnoides*, *Sorbus tianschanica*, *Rhamnus coriacea*, *Salix linearifolia*, *Salix pycnostachya*, *Populus afghanica* учрайди. Ўт ўсимликлар қопламида хилма-хилма мезофит ва гигрофит ўсимликлар: *Heracleum lehmannianum*, *Equisetum ramosissimum*,

Swertia lactea, *Potamogeton heterophyllus*, *Aconitum talassicum*, *Aquilegia vicaria*, *Codonopsis clematidea*, *Paraquilegia caespitosa*, *Urtica dioica* учрайди.

Шундай қилиб, Зомин табиат миллий боғи 5 та флораценотипдан иборат. Арчазорлар флороцетопининг хилма-хиллигини нафақат миллий боғ ҳудудида, балки Ўзбекистон ҳудудида ҳам ўхшаш популяциялар учрамайди.

Ш. ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА УСЛУБЛАРИ

Тадқиқот объекти сифатида Зомин табиат миллий боғида тарқалган 19 оила, 30 туркумга оид 35 турдаги ўсимликлар танлаб олинди. Мазкур турларни тадқиқот объекти сифатида танлаб олиш, ҳудуд бўйича олиб борилган флористик ва систематик тадқиқотлар таҳлилига таяниб шакллантирилди (3.1-жадвал).

2017-2018 йилларда Зомин табиат миллий боғига олдиндан режалаштирилган маршрутлар бўйича илмий сафарлар уюштирилди. Илмий сафарлар мобайнида доривор ўсимликларнинг 100 га яқин гербарий намуналари йиғилиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ботаника институти Ўсимликлар ресурслари лабораторияси илмий ходимлари И.И. Мальцев ва А.В. Маҳмудовлар бошчилигида турлар номи аниқланди.

Ўз навбатида, тур номларига аниқлик киритишда кўп томли нашр этилган «Флора Узбекистана» [91], «Флора Таджикистана» [90], «Флора Киргизстана» [88] «Определитель растений Средней Азии» [62]. монографияларидан фойдаланилди.

Ҳудуддаги доривор ўсимликлар рўйхати алифбо тартибида шакллантирилиб, турларнинг муаллифлари сўнги аниқлагич ҳисобланган R.K. Brummit & C.E. Powell «Authors of plants name» дан фойдаланилди.

Доривор ўсимликларнинг ҳудуддаги захирасини аниқлашда, белгиланган майдонлардаги модель ўсимликлардан фойдаланилди.

Ўсимликларнинг ботаник тавсифи, тарқалиш ареали, тиббиётда қўлланилиши ва муҳофаза чора-тадбирларини шакллантиришда қатор монография, дарсликлар ва интернет маълумотларидан фойдаланилди [2; 7; 9;10; 11; 13; 14; 15; 16; 17; 18; 20; 21; 23; 24; 25; 29; 30; 36; 37; 38; 39; 41; 42; 43; 44; 48; 49; 50; 53; 56; 58–82].

ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ

№	Оила	Туркум	Тур	Ҳаётий шакли
1.	Alliaceae J. Agardh	<i>Allium</i> L.	<i>Allium oschaninii</i> O. Fedtsch.	пиёз
2.			<i>Allium protensum</i> Wendelbo	пиёз
3.			<i>Allium stipitatum</i> Regel	пиёз
4.			<i>Allium suworowii</i> Regel	пиёз
5.	Amaryllidaceae J. St.-Hil.	<i>Ungernia</i> Bunge	<i>Ungernia oligostroma</i> Popov et Vved.	туганак
6.	Anacardiaceae Lindl.	<i>Pistacia</i> L.	<i>Pistacia vera</i> L.	дарахт
7.	Apiaceae Lindl.	<i>Ferula</i> L.	<i>Ferula kuhistanica</i> Korovin	кўп й.ў.
8.			<i>Ferula sumbul</i> (Kauffm.) Hook. f.	кўп й.ў.
9.		<i>Mediasia</i> Pimenov	<i>Mediasia macrophylla</i> (Regel et Schmalh.) Pimenov	илдизпоя
10.	Asphodelaceae Juss.	<i>Eremurus</i> M. Bieb.	<i>Eremurus robustus</i> Regel	илдизпоя
11.	Asteraceae Dumort	<i>Achillea</i> L.	<i>Achillea millefolium</i> L.	ўт.ўсим.
12.		<i>Bidens</i> L.	<i>Bidens tripartita</i> L.	бир й.ў.
Ботаник тавсифи – Ўсимлик пиёзи тухумсимон кўринишда бўлиб, унинг узунлиги 1.5-3 см, эни эса 1-2.5 см да жигарранг юпка ўрам билан ўралган.

Барглари сони 3-4 тагача бўлиб, асосан гуллаш жараёни давомида ўсади. уларнинг узунлиги 15 см гача, эни 8-15 мм бўлади.

Гуллари сариқ рангда, 1-3 тагача гул ҳосил қилиб, ғунчаларнинг шаклланиш жараёнида барглари билан бир вақтда шаклланади. Гулбандининг узунлиги 1.5-2 см гача бўлиб, сариқ ёки сиёхранг кўринади. Чангчилари сариқ, тик, қисқа.

Кўсакчалари тухумсимон кўринишда бўлиб, узунлиги 2.5 см гача бўлади. Ўсимлик йилнинг апрель ва июль ойларида давомида гуллайди (4.17-расм).

Денгиз сатҳидан 800-1600 метр баландликдаги ўрта тоғ қияликларида учрайди.



4.17-расм. *Colchicum luteum* Baker

Дориворлик хусусияти. Ўсимликдан енгил тетиклаштирувчи, аёллар менструация жараёнларини нормаллаштирувчи, туғриқдан кейинги оғриқни қолдирувчи, гепатит, қонли ич кетишда қўлланилади. Ундан тайёрланган суртма тухумдон шамоллаши, гемарой, томир системасини тортишиш касалликларида, кўз касалликларида қўлланилади. Ўсимликни сувли

эритмаси тинчлантирувчи, оғриқ қолдирувчи, ич кетиш, сийдик ҳайдовчи антиспазматик, антисентик хусусиятга эга шунингдек ўсимлик эритмаси стенокардин, юракни функционал касалликларида, қон касалликларида (лейкемия), жинсий аъзолар функциясини кучайтирувчи восита сифатида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти Миллий гербарийси маълумотларига кўра: I-1 Запaдно-Тяньшaнский округ. I-1-b Запaдно-Чаткальский район: Чаткальский хр. (между Карасу и Чирчиком, 28.04.1921, Введенский 462; близ гидростанции Бозсу, 08.05.1936, Михайлова 102; Чарвак, 01.05.1927, Гомолицкий). I-4 Нурагинский округ. I-4-a Нурагинский район: Нурагинский хр. (Осмон- сай, выше с. Катта-Богдон, 12.05.2012, Бешко; Болосай, 28.04.1998, Бешко 98015); I-4-c Принуратинский район: Принуратинские останцы (Писталитау, 07.04.1911, Димо и др.). I-5 Кухистанский округ. I-5-a Северо-Туркестанский район: Туркестанский хр. (окр. с. Ходжи-Мушкет, 08.05.1959, Майлун, Акжигитова 110; Голодная степь, окр. с. Алмалы, 10.05.1959, Майлун, Акжигитова 151; Хавастский р-н, 02.05.1939, Гомолицкий; между Обручево и Замином, 20.05.1937, Короткова, Васильковская 6; дол. р. Зааминсу, 15.05.1970, Бутков); I-5-b Мальгузарский район: Мальгузарский хр. (в 1 км к Ю от с. Дугоба, 02.06.1958, Ли, Закиров 915). I-6 Запaдно-Гиссарский округ. I-6-a Кашкадарьинский район: Гиссарский хр. (20 км от пос. Варганза по течению р. Кашкадарья, 11.05.1968, Шодманхужаев; дол. р. Урадарья, от Игрису в 10 км по течению, 22.05.1980, Набиев и др. 190) терилган.

18. *Glycyrrhiza glabra* L. – солодка голоя – ширинмия (чучукмия).

Ботаник тавсифи – Илдизпояси кўп тармоқланган, қалин ва худди дарахтларники каби мустаҳкам бўлади. Асосий илдизнинг узунлиги 5 метргача бўлиши мумкин. Асосий илдиздан 5-30 тагача тармоқланган илдизлар шаклланади. Уларнинг узунлиги 1-2 метргача бўлиб, илдизпоя ва илдизлар ранги тўқ жигарранг бўлади.

Пояси кўп сонли, тик, оддий ва кам тармоқланган бўлиб, узунлиги 0.5-0.8 метрдан то 2 метргача бўлиши мумкин.

Барглари пояда кетма-кет жойлашади, уларнинг узунлиги 5-20 см бўлиб, овалсимон кўринишда бўлади.

Гуллари 8-12 мм диаметрли бўлиб, гулбандининг узунлиги 3-5 см гача кузатилади. Меваси оқиш рангда бўлиб, 2 тадан 6 тагача уруғ ҳосил қилади. Мевасининг узунлиги 2-3 см бўлиб, эни эса 4-6 мм ни ташкил этади.

Ўсимлик июнь ойидан то август ойигача гуллаб, мевалаш жараёни август-сентябрь ойларида кузатилади.

Ўсимлик кўпинча Ўрта Осиёнинг адир ва чала чўл туманларининг дарёлари водийлари бўйлаб тарқалган. У учрайдиган жойларнинг ўзига хос хусусияти бу – ер ости сувларининг нисбатан баланд даражаси ва баҳорги-ёзги даврда вақтинчалик сув босиши. Шу билан бирга ширинмия қуриб қолган дарё қирғоқларида, кам сувли сойлар, ариқ ва канал бўйларида ҳам ўсади. Экинлар орасида бегона ўт сифатида ҳам учрайди (4.18-расм).

Дориворлик хусусияти. Тиббиётда ширинмиянинг илдизи глицирам, ликвиритон ва флакарбин доривор препаратларини олишда ишлатилади.

Ширинмиянинг ерустки қисми сапонин, ошловчи моддалар, флавоноидлар, эфир мойлари, углеводлар, пигментлар ва бошқа моддалар тутди. Бу эса ўз навбатида ширинмия ерустки қисмидан тиббиёт соҳасида шамоллашга қарши, оғриқни қолдирувчи ва вирусга қарши курашадиган препаратлар тайёрлашда истиқболли тарзда фойдаланиш мумкин.

Ширинмия илдизи қайнатмалар, дамламалар, экстракт ёки порошок ҳолида йўтал билан кечадиган ўпка касалликларида йўтални қолдирувчи восита сифатида, ошқозон-ичак касалликларида яллиғланишга қарши ва оғриқни қолдирувчи восита, доривор аралашмалар таркибида – ични бўшатувчи ва сийдикни ҳайдовчи восита сифатида фойдаланилади. Ширинмия кукуни (порошоги) фармацевтикада дориларнинг таъми ва ҳидини яхшилашда асосий восита сифатида ишлатилади.

Ширинмия илдизидан куйидаги доривор препаратлар: глицирам – глицирризин кислотаси асосида (бронхиал астма, аллергик тошмалар, экзема ва бошқ. касалликларни даволашда), ликвиритон ва флакарбин – флавоноидлар асосида (ошқозон яраси ва ўн икки бармоқли ичак касалликларини даволашда) олинган.



4.18-расм. *Glycyrrhiza glabra* L.

Ширинмия илдизидан тайёрланадиган дамлама тайёрлаш – майдаланган ширинмия илдизидан 10 г (бир ош қошиқ) олиниб сирланган идишга солинади, 200 мл қайноқ сув солиб, оғзини беркитиб 15-20 дақиқа давомида сувли ҳаммомда қайнатилади. Сўнгра 45 дақиқа мобайнида хона хароратида совутилади, докадан ўтказилади, қолган маҳсулотни олиб ташланади. Олинган дамламани дастлабки ҳажми 200 мл бўлгунча қайнаган сув билан суюлтирилади. Йўтални қолдирувчи восита сифатида кунига 3 маҳал бир ош қошиқдан ичилади. Тайёрланган дамламани салқинроқ жойда 2 кунгача сақлаш мумкин.

Ширинмиянинг илдизи ва илдизпояларидан 23% гача сапонин-глициррин ва 4% гача флавоноидлар (ликвиритин, ликвиритозид, изоликвиритин ва бошқ.), глабро, глициррет кислоталари, стероидлар, эфир ёғлари, аспарагин, аспаргин кислотаси, пигментлар ва бошқа моддалар ажратиб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти Миллий гербарийси маълумотларига кўра: I-1 Запaдно-Тяньшaнский округ. I-1-b Запaдно-Чаткальский район: Чаткальский хр. (между Карасу и Чирчиком, 28.04.1921, Введенский 462; близ гидростанции Бозсу, 08.05.1936, Михайлова 102; Чарвак, 01.05.1927, Гомолицкий). I-4 Нурагинский округ. I-4-a Нурагинский район: Нурагинский хр. (Осмон- сай, выше с. Катта-Богдон, 12.05.2012, Бешко; Болосай, 28.04.1998, Бешко 98015); I-4-c Принуратинский район: Принуратинские останцы (Писталитау, 07.04.1911, Димо и др.). I-5 Кухистанский округ. I-5-a Северо-Туркестанский район: Туркестанский хр. (окр. с. Ходжи-Мушкет, 08.05.1959, Майлун, Акжигитова 110; Голодная степь, окр. с. Алмалы, 10.05.1959, Майлун, Акжигитова 151; Хавастский р-н, 02.05.1939, Гомолицкий; между Обручево и Заамином, 20.05.1937, Короткова, Васильковская 6; дол. р. Зааминсу, 15.05.1970, Бутков) терилган.

19. *Geranium regelii* Nevski – Герань Регеля - Регель ёронгули.

Ботаник тавсифи – 20-30 см баландликда кўп йиллик ўт ўсимлик ҳисобланади. Илдизпояси қисқа, қалин бўлиб, узунлиги 10 см гача бўлади.

Барг супротив ҳолатда бўлиб, 7 қисмга ажралган. Гуллари кўк-сиёҳрангда бўлиб, 5 та бир-биридан ажралган гулкосабаргчаларидан ташкил топган. Гулкосабаргчаларининг узунлиги 1.5-2 см. Меваси – кўсакча. Кўсакчанинг пастки қисмида 5 тагача уруғлар шаклланади. Кўсакчалари пишиб етилганда 2 метр узокликкача тарқалади (4.19-расм).

Йилнинг июнь-август ойларида гуллайди.



4.19-расм. *Geranium regelii* Nevski

Дориворлик хусусияти. Ёронгулнинг дамламаси буриштирувчи хусусиятга эга. Тиббиёт амалиётида ич кетишда, дизентерияда, оғир болалар ич кетишида, ўткир ва сурункали энтероколитда қўлланилади.

Доривор формаси: дамламани тайёрлаш учун – идишга 2 чой қошиқ курук ўт солиниб, устига 2 стакан совуқ сув қуйилади, 8 соат давомида тиндириб қўйилади ва ҳар 1-2 соатда 1 чой – 1 ош қошиғида ичилади.

Халқ табобатида ҳам унинг сувли қайнатмасидан - ўпқадан қон кетишида, оғиз бўшлиғи ва ангинада чайишда, йирингли яраларда ювишда ёки бутун ўсимликнинг спиртли дамламаси -юрак оғриганда томчилатиб ичишда ишлатилади.

Ёронгул таркибида кўп миқдорда ошловчи моддалар (гулларида – 16% дан ортиқ), каротин, витамин С мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти Миллий гербарийси маълумотларига кўра: I-5 Кухиستانский округ. I-5-а Северо-Туркестанский район: Туркестанский хр. (Гуралаш, Хатирчинккаты, 01.07.1934, Закржевский 189; ур. Гуралаш, в 7 км от метеостанции, 28.06.1955, Демурина, Булгакова 31219; верховья р. Санзар, дол. Туганбулак, 02.05.1938, Демурина); I-5-b Мальгузарский район: Мальгузарский хр. (ур. Барас, 07.09.1937, Демурина 1633; С склон хребта, Увалсай, 14.05.2012, Азимова, Бешко); I-5-с Ургутский район: Зеравшанский хр. (Аманкутанская лесная дача, по Карагачсаю, 25.05.1933, Дробов, Сахобутдинов 46; Самаркандские горы, верховья р. Аксай, 10-15.05.1931, Бутков 173/х; Китабский заповедник, окр. с. Хожакурган, 30.06.1987, Солдатова 75). I-6 Западно-Гиссарский округ. I-6-а Кашкадарь-инский район: Гиссарский хр. (с. Чопык, 16.07.1959, Ли, Закиров 1364; окр. с. Ташкурган, против моста в с. Зармас, 16.07.1936, Бочанцев, Бутков 971); I-6-с Байсунский район: Гиссарский хр. (басс. р. Мачай-дарья, горный проход Амир Темур, 07.06.2012, Тургинов 708; Байсунские горы, Аулат, склоны хр. Кетмен-чапты, 22.05.1930, Лепешкин; Байсунская гряда, 31.07.1931, Меркулович); I-6-d Кугитангский район: Кугитангский хр. (ущ. Танги-Дувал, в 10 км выше к/к Хатак, 14.05.1978, Набиев и др. 115; Сурханский заповедник, участок Кызылалма, сай Кызылалма, 25.05.2007, Ибрагимов 0439). I-7 Гиссаро-Дарвазский округ. I-7-а Сангардак-Тупалангский район: Гиссарский хр. (в 3-5

км от с. Гулиоб, 14.05.1948, Чеврениди 533; ущелье Шаргунь, 15.05.1963, Хамидходжаев 13; правый берег р. Малянд, 17.06.1948, Пятаева 446; дол. р. Санградак, верховья р. Аксу, 04.06.1948, Пятаева 189; с. Вахшивар, 03.06.1928, Якимова, Москвин 671) терилган.

20. *Hypericum perforatum* L. – зверобой продырявленный - далачай, кизилпойча, чойўти.

Ботаник тавсифи – Кучли тармоқланган илдизпояга эга бўлиб, поясининг узунлиги 40-80 см ни ташкил этади.

Поя тик, яшил рангда, кейинчалик кизил-оқиш рангга ўзгариши кузатилади.

Барглари пояда ўтроқ жойлашиб, эллипсимон ёки тухумсимон кўринишда бўлади. Уларнинг узунлиги 3 см гача, эни эса 1.5 см гача бўлиши кузатилади.

Гуллари тўғри, 2 см гача диаметрли. Гулкосачабарглари бир-биридан ажралган бўлиб, тилласимон-сарик рангда кўринади.

Ўсимлик йилнинг июнь-август ойлари 25-30 кун мобайнида гуллайди (4.20-расм).

Денгиз сатҳидан 850-1700 метр баландликдаги тоғ қияликларида учрайди.

Дориворлик хусусияти. Ўсимликдан кўп давлатларнинг халқ табобатида қўлланилади.

Ўсимлик дамламаси буриштирувчи, қон оқишини тўхтатувчи, шамоллашга қарши, оғриқсизлантирувчи, антисептик восита сифатида, турли яраларни битказувчи, сийдик ва сафро ҳайдовчи, шунингдек, иштаҳа очувчи, тўқималарни тикловчи, асаб тизимини тинчлантирувчи хусусиятга эга.

Ўсимлик дамламаси ошқозон-ичак касалликларида (ич қотишида, ич кетганда), жигар, юрак, цистит касалликларини даволашда қўлланилади. Шунингдек, бош ва бошқа асаб касалликларида тинчлантирувчи ва оғриқсизлантирувчи восита сифатида ишлатилади.

Немис халқ тиббиётида ўсимликнинг дамламаси ҳар хил ошқозон-ичак касалликларида, сувчечак, жигар, буйрак, ревматизм, геморрой ва бош оғриғида, уйқусизликда ишлатилади. Спиртли дамламасидан ревматик касалликларда томдириб ичирилади.



4.20-расм. *Hypericum perforatum* L.

Янчилган янги барглари яраларга қўйилганда, уларнинг тез битишига олиб келади. Спиртли дамламаси сув билан аралаштирилиб, оғиз чайилганда,

нохуш хидлар йўқолади. Тоза дамламаси милкларни қотириш учун суртилади.

Ўсимликдан тайёрланган янги препарат – иманин куйганда ва бошқа тери касалликларида, яра касаллиги ва йирингли яраларда, кучли шамоллашни даволашда ишлатилади.

Ўсимлик гулларида матоларни бўяшда, сувли дамламаси сарик рангни, қайнатилгани концентрациясига қараб, пушти ҳамда қизил рангни беради.

Қон босимини бир мунча оширади. Шу сабабли, гипертоник касалликларга ўсимликни бошқа ўсимликлар аралашмаси билан фойдаланиш тавсия этилади.

Ўсимлик таркибида бўёқли модда гиперин, флавоноидлар гиперозид, рутин, кверцитрин ва кверцитин, никотин кислотаси, церил спирти, ошловчи моддалар, кам миқдорда ҳолин, каротин (55 мг% гача), витаминлар С ва РР, алкалоидлар ва фитонцидлар мавжуд. Ўсимлик ўзига хос хушбўй ҳидга, тахир таъмга эга, захарли.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти Миллий гербарийси маълумотларига кўра: I-5 Кухиستانский округ. I-5-а Северо-Туркестанский район: Туркестанский хр. (Гуралаш, Хатирчинккаты, 01.07.1934, Закржевский 189; ур. Гуралаш, в 7 км от метеостанции, 28.06.1955, Демурина, Булгакова 31219; верховья р. Санзар, дол. Туганбулак, 02.05.1938, Демурина); I-5-b Мальгузарский район: Мальгузарский хр. (ур. Барас, 07.09.1937, Демурина 1633; С склон хребта, Увалсай, 14.05.2012, Азимова, Бешко); I-5-с Ургутский район: Зеравшанский хр. (Аманкутанская лесная дача, по Карагачсаю, 25.05.1933, Дробов, Сахобутдинов 46; Самаркандские горы, верховья р. Аксай, 10-15.05.1931, Бутков 173/х; Китабский заповедник, окр. с. Хожакурбан, 30.06.1987, Солдатова 75) терилган.

21. *Dracosephalum integrifolium* Bunge – Змееголовник цельнолистный – Яхлит баргли илонбош.

Ботаник тавсифи – Ўтсимон новдалари тик бўлиб, 15-60 см узунликда. Барглари ланцентсимон ёки ланцент-тухумсимон кўринишда бўлиб, новдада деярли ўтроқ ҳолатда бўлади. Барглари 1.5-3 см узунликда ва эни эса 3-8 мм бўлади.

Гуллари кўнғироксимон кўринишда бўлиб, ғунчалари даставвал тўқ сиёҳранг ёки қизил рангда бўлиб, гуллаш жараёнида сиёҳранг тусга киради. Гуллари диаметри 2,3 см бўлиб, пояда ўтроқ жойлашади.

Меваси қорамтир оқиш рангдаги ёнғоқча бўлиб, 2.5 мм узунлик ва эни эса 1.5 мм атрофида бўлади (4.21-расм).

Дориворлик хусусияти. Ўсимлик препаратлари қон тўхтатувчи хусусиятларга эга ва тиббиёт амалиётида профилактик ва ҳар хил касалликлардаги - қон оқишида доривор модда сифатида ишлатилади (геморрой, ўпка, бурун, жароҳат ва бошқаларда). Шунингдек, артериал босимни ҳам туширади.

Ўсимликдаги гемостатик хусусият асосида қон ивиш жараёни фаоллашади ва томир деворларидан ўтказувчанлиги камаяди. Қайнатма ҳолида (1:10) қон тўхтатувчи ва капиллярларни мустаҳкамловчи восита сифатида ичилади.

Ўсимлик препаратларидаги лагохилин иштирокидаги кальций тузлари, шунингдек, ошловчи моддалар ва витамин К қон ивишини тезлаштиради ва томирлардан ўтказувчанлигини камайтиради, қон босимини пасайтириш таъсирига эга.

Ўсимликнинг гуллари ва баргларида тайёрланган дамламаси қон тўхтатувчи хусусиятга эга. Уни бачадондан, ўпкадан, бурундан, яралардан ва бошқа жойлардан қон оқишини тўхтатиш учун, шунингдек, хирургик операцияларда қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти Миллий гербарийси маълумотларига кўра: I-5 Кухистанский округ. I-5-а Северо-Туркестанский район: Туркестанский хр. (Гуралаш, Хатирчинккаты, 01.07.1934, Закржевский 189; ур. Гуралаш, в 7 км от метеостанции,

28.06.1955, Демурина, Булгакова 31219; верховья р. Санзар, дол. Туганбулак, 02.05.1938, Демурина); I-5-b Мальгузарский район: Мальгузарский хр. (ур. Барас, 07.09.1937, Демурина 1633; С склон хребта, Увалсай, 14.05.2012, Азимова, Бешко); I-5-c Ургутский район: Зеравшанский хр. (Аманкутанская лесная дача, по Карагачсаю, 25.05.1933, Дробов, Сахобутдинов 46; Самаркандские горы, верховья р. Аксай, 10-15.05.1931, Бутков 173/х; Китабский заповедник, окр. с. Хожакурган, 30.06.1987, Солдатова 75). I-6 Западно-Гиссарский округ. I-6-a Кашкадарь-инский район: Гиссарский хр. (с. Чопык, 16.07.1959, Ли, Закиров 1364; окр. с. Ташкурган, против моста в с. Зармас, 16.07.1936, Бочанцев, Бутков 971); I-6-c Байсунский район: Гиссарский хр. (басс. р. Мачай-дарья, горный проход Амир Темура, 07.06.2012, Тургинов 708; Байсунские горы, Аулат, склоны хр. Кетмен-чапты, 22.05.1930, Лепешкин; Байсунская гряда, 31.07.1931, Меркулович); I-6-d Кугитангский район: Кугитангский хр. (ущ. Танги-Дувал, в 10 км выше к/к Хатак, 14.05.1978, Набиев и др. 115; Сурханский заповедник, участок Кызылалма, сай Кызылалма, 25.05.2007, Ибрагимов 0439) терилган.



4.21-расм. *Dracosephalum integrifolium* Bunge

22. *Mentha asiatica* Boriss. – Мята азиатская – Осиё ялпизи.

Ботаник тавсифи – 40-100 см даги ўсимлик ҳисобланиб, пояси ингичка ва тўрт қиррали.

Барглари синиқ яшил рангда, пояда ўтроқ ҳолатда жойлашади. Гуллари сиёхрангда.

Меваси тухумсимон кўринишда бўлиб, ёнғоқча. Йилнинг июнь-июль ойларида гуллаб, мевасининг шаклланиши июль-август ойларида кузатилади (4.22-расм).



4.22-расм. *Mentha asiatica* Boriss.

Дориворлик хусусияти. Осиё ялпизи барглари таркибидаги эфир мойларининг миқдори жанубий районларда 3%, шимолий районларда 2-2,5% ни; эфир мойидаги ментолнинг миқдори эса 50-55% ташкил этади. Ўсимликнинг эфир мойи ментол, ментон, метилацетат, ментафуран, ценеол ва бошқа биоген моддалар саклайди.

Эфир мойлари парфюмерия, озиқ-овқат саноатида, алкогольли махсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Ўсимликнинг барглари эфир мойларидан ташқари каротинга, органик кислоталарга ва бошқа бирикмаларга бойдир. Ўсимлик баргларидан қон-томирларни кенгайтирувчи ва тетиклаштирувчи хушбўй чойлар, дамламалар тайёрланади.

Ўсимликнинг асосий таъсир этувчи моддаси ментол бўлиб, у невралгия, миалгия, артралгия касалликларида оғриқ қолдирувчи сифатида, яна бошқа дорилар билан қон-томирларни кенгайтирувчи, тинчлантирувчи восита сифатида қўлланилади. Ментол валидол, валокардин препаратлари таркибига киради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти Миллий гербарийси маълумотларига кўра: I-1 Запдно-Тяньшанский округ. I-1-b Запдно-Чаткальский район: Чаткальский хр. (между Карасу и Чирчиком, 28.04.1921, Введенский 462; близ гидростанции Бозсу, 08.05.1936, Михайлова 102; Чарвак, 01.05.1927, Гомолицкий). I-4 Нурагинский округ. I-4-a Нурагинский район: Нурагинский хр. (Осмон- сай, выше с. Катта-Богдон, 12.05.2012, Бешко; Болосай, 28.04.1998, Бешко 98015); I-4-c Принуратинский район: Принуратинские останцы (Писталитау, 07.04.1911, Димо и др.). I-5 Кухистанский округ. I-5-a Северо-Туркестанский район: Туркестанский хр. (окр. с. Ходжи-Мушкет, 08.05.1959, Майлун, Акжигитова 110; Голодная степь, окр. с. Алмалы, 10.05.1959, Майлун, Акжигитова 151; Хавастский р-н, 02.05.1939, Гомолицкий; между Обручево и Замином, 20.05.1937, Короткова, Васильковская 6; дол. р. Зааминсу, 15.05.1970, Бутков); I-5-b Мальгузарский район: Мальгузарский хр. (в 1 км к Ю от с. Дугоба, 02.06.1958, Ли, Закиров 915) терилган.

23. *Origanum tythanthum* Gontsch. – душица мелкоцветная - майда гулли тоғрайхон.

Ботаник тавсифи – Ўсимликнинг бўйи 50-70 см. Илдизпояси кўп тармоқланган. Пояси тўрт қиррали, тик.

Барглари тухумсимон кўринишда бўлиб, 1-4 см узунликда бўлади. Гуллари майда, кўп сонли. Йилнинг июнь-июль ойларида гуллайди (иккинчи вегетация йилида).

Денгиз сатҳидан 650-1200 метр баландликдаги ўрта тоғ қияликларида учрайди (4.23-расм).

Дориворлик хусусияти. Ўсимлик марказий нерв системасини тинчлантирувчи, овқат ҳазм қилиш ва бронхиал безлар секрециясини кучайтиради. Қайнатмаси кучли сийдик ҳайдовчи сифатида маълум. Тоғрайхон шунингдек, иштахани очувчи ва турли хил шамоллашларда балғам кўчирувчи сифатида ишлатилади. Томоқ касалликларида чайқаш ва тери йиринг касалликларида ванна қилинади. Таркибидаги эфир мойлари тиш касалликларида оғриқни қолдирувчи ҳисобланади.

Ўсимлик таркибида ошловчи моддалар, аскорбин кислотаси, флавоноидлар ва эфир мойлари бор.



4.23-расм. *Origanum tytthanthum* Gontsch.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти Миллий гербарийси маълумотларига кўра: I-5 Кухиستانский округ. I-5-а Северо-Туркестанский район: Туркестанский хр. (Гуралаш, Хатирчинккаты, 01.07.1934, Закржевский 189; ур. Гуралаш, в 7 км от метеостанции, 28.06.1955, Демурина, Булгакова 31219; верховья р. Санзар, дол. Туганбулак, 02.05.1938, Демурина); I-5-б Мальгузарский район: Мальгузарский хр. (ур. Барас, 07.09.1937, Демурина 1633; С склон хребта, Увалсай, 14.05.2012, Азимова, Бешко); I-5-с Ургутский район: Зеравшанский хр. (Аманкутанская лесная дача, по Карагачсаю, 25.05.1933, Дробов, Сахобутдинов 46; Самаркандские горы, верховья р. Аксай, 10-15.05.1931, Бутков 173/х; Китабский заповедник, окр. с. Хожакурган, 30.06.1987, Солдатова 75). I-6 Западно-Гиссарский округ. I-6-а Кашкадарьинский район: Гиссарский хр. (с. Чопык, 16.07.1959, Ли, Закиров 1364; окр. с. Ташкурган, против моста в с. Зармас, 16.07.1936, Бочанцев, Бутков 971); I-6-с Байсунский район: Гиссарский хр. (басс. р. Мачай-дарья, горный проход Амир Темур, 07.06.2012, Тургинов 708; Байсунские горы, Аулат, склоны хр. Кетмен-чапты, 22.05.1930, Лепешкин; Байсунская гряда, 31.07.1931, Меркулович); I-6-d Кугитангский район: Кугитангский хр. (ущ. Танги-Дувал, в 10 км выше к/к Хатак, 14.05.1978, Набиев и др. 115; Сурханский заповедник, участок Кызылалма, сай Кызылалма, 25.05.2007, Ибрагимов 0439). I-7 Гиссаро-Дарвазский округ. I-7-а Сангардак-Тупалангский район: Гиссарский хр. (в 3-5 км от с. Гулиоб, 14.05.1948, Чеврениди 533; ущелье Шаргунь, 15.05.1963, Хамидходжаев 13; правый берег р. Малянд, 17.06.1948, Пятаева 446; дол. р. Санградак, верховья р. Аксу, 04.06.1948, Пятаева 189; с. Вахшивар, 03.06.1928, Якимова, Москвин 671) терилган.

24. *Salvia sclarea* L. – Шалфей мускатный – Мускат мавраги.

Ботаник тавсифи – 100-120 см баландликдаги чалабута. Пояси тўғри, тик, оддий.

Поянинг пастки ва ўрта қисмидаги барглари узунлиги 5.5-32 см ва эни эса 5-22 см гача бўлиб, тухумсимон, ўткир. Гуллари кўнғирсимон, сиёхрангда. Пояда қарама-қарши жойлашади.

Меваси – ёнғоқча, оқиш, эллипсимон кўринишда бўлиб, узунлиги 2-3 мм. Йилнинг июнь-сентябрь ойларида гуллаб, мевасининг шаклланиши август-сентябрь ойларида кузатилади (4.24-расм).



4.24-расм. *Salvia sclarea* L.

Дориворлик хусусияти. Мавракнинг барглари дориворлик хусусиятига эга.

Мускат маврагининг баргларидан тайёрланган дамлама дезинфекцияловчи ва шамоллашга қарши восита сифатида стоматит бўлганда, оғиз бўшлиғи ва томоқни чайишда, юқори нафас олиш йўллари тозалашда қўлланилади. Мавракнинг гуллари антибактериал прерарат – сальвин олиш учун ишлатилади. Халқ табобатида маврак барглари ошқозон яраси, колит, жигар, буйрак хасталикларини даволашда, бронхитда балғам кўчирувчи, юмшатувчи ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади.

Маврак баргларида тайёрланадиган дамлама. 10 г (2 ош қошиқ миқдорида маҳсулот олиниб сирланган идишга солинади, устидан 200 мл (1 стакан) қайнаган иссиқ сув қуйиб сув ҳаммомида 15 дақиқа давомида қиздирилади. Сўнгра 45 дақиқа совутилади, доқадан ўтказилади, қолган масса сиқилади. Олинган дамламанинг устига дастлабки ҳажми 200 мл бўлгунича қайнаган сув солинади. Дамламани салқин жойда 2 кун мобайнида сақлаш мумкин.

Дамламани терининг шамоллаш касалликларида, тери жароҳатланганида, қуйганида ва совуқ урганида ишлатилади; бунда дамламага ботирилган доқали сальфеткалардан фойдаланилади, шунингдек, доривор маврак дамламаси билан ванна қилиш ҳам мумкин.

Ўсимликнинг барча органларида эфир мойи (баргларида 0,5-2,5%) мавжуд. Ундан ташқари барглари таркибида алкалоидлар, ошловчи моддалар, уваол, парадифенол ва В гуруҳи витаминлари бўлади. Илдизида юқори фаол табиий антиоксидант ва дитерпеноидли хинонлар, гулларида эса – сальвин ва унинг монометил эфир моддаси бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти Миллий гербарийси маълумотларига кўра: I-5 Кухиستانский округ. I-5-а Северо-Туркестанский район: Туркестанский хр. (Гуралаш, Хатирчинккаты, 01.07.1934, Закржевский 189; ур. Гуралаш, в 7 км от метеостанции, 28.06.1955, Демурина, Булгакова 31219; верховья р. Санзар, дол. Туганбулак, 02.05.1938, Демурина); I-5-b Мальгузарский район: Мальгузарский хр. (ур. Барас, 07.09.1937, Демурина 1633; С склон хребта, Увалсай, 14.05.2012, Азимова, Бешко); I-5-c Ургутский район: Зеравшанский хр. (Аманкутанская лесная дача, по Карагачсаю, 25.05.1933, Дробов, Сахобутдинов 46; Самаркандские горы, верховья р. Аксай, 10-15.05.1931, Бутков 173/х; Китабский заповедник, окр. с. Хожакурган, 30.06.1987, Солдатова 75). I-6 Западно-Гиссарский округ. I-6-а Кашкадарь-инский район: Гиссарский хр. (с. Чопык, 16.07.1959, Ли, Закиров 1364; окр. с. Ташкурман, против моста в с. Зармас, 16.07.1936, Бочанцев, Бутков 971); I-6-c Байсунский район:

Гиссарский хр. (басс. р. Мачай- дарья, горный проход Амир Темур, 07.06.2012, Тургинов 708; Байсунские горы, Аулат, склоны хр. Кетмен- чапты, 22.05.1930, Лепешкин; Байсунская гряда, 31.07.1931, Меркулович); I-6-d Кугитангский район: Кугитангский хр. (ущ. Танги-Дувал, в 10 км выше к/к Хатак, 14.05.1978, Набиев и др. 115; Сурханский заповедник, участок Кызылалма, сай Кызылалма, 25.05.2007, Ибрагимов 0439). I-7 Гиссаро- Дарвазский округ. I-7-а Сангардак-Тупалангский район: Гиссарский хр. (в 3-5 км от с. Гулиоб, 14.05.1948, Чеврениди 533; ущелье Шаргунь, 15.05.1963, Хамидходжаев 13; правый берег р. Малянд, 17.06.1948, Пятаева 446; дол. р. Санградак, верховья р. Аксу, 04.06.1948, Пятаева 189; с. Вахшивар, 03.06.1928, Якимова, Москвин 671) терилган.

25. *Ziziphora pamiroalaica* Juz. – Зизифора памиро-алайская – Помир- олой кийик ўти.

Ботаник тавсифи - 5-30 см баландликдаги чалабута. Барглари овалсимон кўринишда, пояда жуфт кетма-кетликда жойлашади. Гуллари майда, кўп сонли, сиёхрангда.

Денгиз сатҳидан 800-1900 метр баландликдаги тоғ қияликларининг тошли ва шағалли тупроқларида тарқалган (4.25-расм).

Дориворлик хусусияти. Ўсимлик иштаҳа очишда, овқат ҳазмини яхшилашда, хафақон касаллигида, сийдик ҳайдовчи сифатида ишлатилади. Бундай ҳолатларда чой ва қайнатма қилиб ичилади.

Ер устки қисми таркибида 1,3% гача эфир мойи, органик кислоталар, витаминлар С, Е, А, флавоноидлар, антоцианлар, минерал тузлар, микроэлементлар ва бошқалар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти Миллий гербарийси маълумотларига кўра: I-5 Кухиستانский округ. I-5-а Северо-Туркестанский район: Туркестанский хр. (Гуралаш, Хатирчинккаты, 01.07.1934, Закржевский 189; ур. Гуралаш, в 7 км от метеостанции, 28.06.1955, Демурина, Булгакова 31219; верховья р. Санзар, дол. Туганбулак, 02.05.1938, Демурина); I-5-b Мальгузарский район: Мальгузарский хр. (ур.

Барас, 07.09.1937, Демурина 1633; С склон хребта, Увалсай, 14.05.2012, Азимова, Бешко); I-5-с Ургутский район: Зеравшанский хр. (Аманкутанская лесная дача, по Карагачсаю, 25.05.1933, Дробов, Сахобутдинов 46; Самаркандские горы, верховья р. Аксай, 10-15.05.1931, Бутков 173/х; Китабский заповедник, окр. с. Хожакурган, 30.06.1987, Солдатова 75). I-6 Западно-Гиссарский округ. I-6-а Кашкадарь-инский район: Гиссарский хр. (с. Чопык, 16.07.1959, Ли, Закиров 1364; окр. с. Ташкурган, против моста в с. Зармас, 16.07.1936, Бочанцев, Бутков 971); I-6-с Байсунский район: Гиссарский хр. (басс. р. Мачай-дарья, горный проход Амир Темура, 07.06.2012, Тургинов 708; Байсунские горы, Аулат, склоны хр. Кетмен-чапты, 22.05.1930, Лепешкин; Байсунская гряда, 31.07.1931, Меркулович); I-6-d Кугитангский район: Кугитангский хр. (ущ. Танги-Дувал, в 10 км выше к/к Хатак, 14.05.1978, Набиев и др. 115; Сурханский заповедник, участок Кызылалма, сай Кызылалма, 25.05.2007, Ибрагимов 0439) терилган.



4.25-расм. *Ziziphora pamiroalaica* Juz.

26. *Morus alba* L. – Шелковица белая – Оқ тут.

Ботаник тавсифи – 15-18 метр баландликдаги дарахт ҳисобланиб, кўп тармоқланган поялардан иборат. Барглари тухумсимон кўринишда бўлиб, 5-15 см узунликда. Пояда икки типда жойлашади: вегетатив ва мевалаш учун.

Гуллари цилиндрсимон кўринишда бўлиб, йилнинг апрель-май ойларида гуллаб, май-июнь ойларида мевалайди (4.26-расм).

Дориворлик хусусияти. Ўсимликнинг етилган мевасида – ресвератрол моддасини сақлайди. Мевалари таркибида А, В1, К, РР, В3 витаминлари мавжуд. Ўсимликдан тайёрланган преператлар нафас йўллари касалликларида, сийдик ҳайдовчи восита сифатида фойдаланилади.



4.26-расм. *Morus alba* L.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти Миллий гербарийси маълумотларига кўра: I-5 Кухиستانский округ. I-5-а Северо-Туркестанский район: Туркестанский хр. (Гуралаш, Хатирчинккаты, 01.07.1934, Закржевский 189; ур. Гуралаш, в 7 км от метеостанции, 28.06.1955, Демурина, Булгакова 31219; верховья р. Санзар, дол. Туганбулак,

02.05.1938, Демурина); I-5-b Мальгузарский район: Мальгузарский хр. (ур. Барас, 07.09.1937, Демурина 1633; С склон хребта, Увалсай, 14.05.2012, Азимова, Бешко) терилган.

27. *Cistanche salsa* (C. A. Mey.) G. Becker – Цистанхе солончаковая – Цистанхе.

Ботаник тавсифи – 10-40 см баландликда кўп йиллик ўсимлик. Пояси шохланмаган, қалин, сариқ рангда. Поясининг ўрта қисми 5-20 мм қалинликда. Ўсимликнинг гуллари ўтроқ ёки ярим ўтроқ ҳолатда бўлиб, цилиндрсимон кўринишда.

Меваси – кўсакча, тухумсимон кўринишда. Йилнинг апрель-май ойларида гуллайди.



Денгиз сатҳидан 1200-2000 метр баландликдаги ўрта тоғ қияликларида учрайди.

Дориворлик хусусияти. Ўсимликнинг ер устки қисмидан доривор сифатида фойланилади. Ўсимлик ўзида углеводлар, янтар кислотаси, иридоидлар, стероидлар, феноллар, лигналлар сақлайди. Ўрта Осиёда ўсимликдан тайёрланган қайнатма сифилис касалликларида фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти Миллий гербарийси

маълумотларига кўра: I-5 Кухистанский округ. I-5-а Северо-Туркестанский район: Туркестанский хр. (Гуралаш, Хатирчинккаты, 01.07.1934,

Закржевский 189; ур. Гуралаш, в 7 км от метеостанции, 28.06.1955, Демурина, Булгакова 31219; верховья р. Санзар, дол. Туганбулак, 02.05.1938, Демурина); I-5-b Мальгузарский район: Мальгузарский хр. (ур. Барас, 07.09.1937, Демурина 1633; С склон хребта, Увалсай, 14.05.2012, Азимова, Бешко); I-5-c Ургутский район: Зеравшанский хр. (Аманкутанская лесная дача, по Карагачсаю, 25.05.1933, Дробов, Сахобутдинов 46; Самаркандские горы, верховья р. Аксай, 10-15.05.1931, Бутков 173/х; Китабский заповедник, окр. с. Хожакурган, 30.06.1987, Солдатова 75). I-6 Западно-Гиссарский округ. I-6-a Кашкадарьинский район: Гиссарский хр. (с. Чопык, 16.07.1959, Ли, Закиров 1364; окр. с. Ташкурган, против моста в с. Зармас, 16.07.1936, Бочанцев, Бутков 971); I-6-c Байсунский район: Гиссарский хр. (басс. р. Мачай-дарья, горный проход Амир Темур, 07.06.2012, Тургинов 708; Байсунские горы, Аулат, склоны хр. Кетмен-чапты, 22.05.1930, Лепешкин; Байсунская гряда, 31.07.1931, Меркулович); I-6-d Кугитангский район: Кугитангский хр. (ущ. Танги-Дувал, в 10 км выше к/к Хатак, 14.05.1978, Набиев и др. 115; Сурханский заповедник, участок Кызылалма, сай Кызылалма, 25.05.2007, Ибрагимов 0439).

28. *Peganum harmala* L. – Гармала обыкновенная – Оддий исирик.

Ботаник тавсифи – 50 см баландликдаги кўп йиллик ўт ўсимлик ҳисобланиб, кўп тармоқланган илдиз системасига эга. Илдизлари узунлиги 2-3 метргача. Поясининг узунлиги 30-80 см, яшил рангда.

Барглари пояда кетма-кет жойлашиб, ўтроқ ҳолатда. Гуллари сариқ ёки оқ рангда.

Меваси 6-10 мм диаметрли шарсимон кўринишда. Уруғлари жигарранг ёки оқиш сариқ рангда.

Ўсимлик йилнинг май-июль ойларида гуллаб, уруғларининг шаклланиши июль-август ойларида кузатилади (4.28-расм).

Исирик Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида тарқалган, кўп ҳолларда зич ўсимлик қопламини ҳосил қилади. Бу ўсимлик рудерал ўт сифатида яйлов, дашт ва чўлларда ўсади.

Дориворлик хусусияти. Исириқдан тайёрланган препарат дезоксипеганин гидрохлорид холинэстеразага қарши хусусиятга эга бўлиб, у миопатия ва миостениянинг турли кўринишларида, қабзиятда бўшаштирувчи восита сифатида қўлланилади.

Уруғининг таркибида 3,5-6 % алкалоидлар йиғиндиси бўлиб, унинг 60 % ини гармалин, 30 % гармин ташкил этади. Яшил қисми таркибида 1,5-3 % алкалоид, ундан 60 % пеганин, вазицинондан иборат. Илдизи таркибида 2,15-2,70 % алкалоид мавжуд. Уруғи таркибида 14-25 % ёғ мавжуд.



4.28-расм. *Peganum harmala* L.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти Миллий гербарийси маълумотларига кўра: I-5-с Ургутский район: Зеравшанский хр. (Аманкутанская лесная дача, по Карагачсаю, 25.05.1933, Дробов, Сахобутдинов 46; Самаркандские горы, верховья р. Аксай, 10-15.05.1931, Бутков 173/х; Китабский заповедник, окр. с. Хожакурган, 30.06.1987, Солдатова 75). I-6 Западно-Гиссарский округ. I-6-а Кашкадарь-

инский район: Гиссарский хр. (с. Чопык, 16.07.1959, Ли, Закиров 1364; окр. с. Ташкурган, против моста в с. Зармас, 16.07.1936, Бочанцев, Бутков 971); I-6-с Байсунский район: Гиссарский хр. (басс. р. Мачай- дарья, горный проход Амир Темур, 07.06.2012, Тургинов 708; Байсунские горы, Аулат, склоны хр. Кетмен- чапты, 22.05.1930, Лепешкин; Байсунская гряда, 31.07.1931, Меркулович); I-6-d Кугитангский район: Кугитангский хр. (ущ. Танги-Дувал, в 10 км выше к/к Хатак, 14.05.1978, Набиев и др. 115; Сурханский заповедник, участок Кызылалма, сай Кызылалма, 25.05.2007, Ибрагимов 0439). I-7 Гиссаро-Дарвазский округ. I-7-а Сангардак-Тупалангский район: Гиссарский хр. (в 3-5 км от с. Гулиоб, 14.05.1948, Чеврениди 533; ущелье Шаргунь, 15.05.1963, Хамидходжаев 13; правый берег р. Малянд, 17.06.1948, Пятаева 446; дол. р. Санградак, верховья р. Аксу, 04.06.1948, Пятаева 189; с. Вахшивар, 03.06.1928, Якимова, Москвин 671) терилган.

29. *Plantago major* L. – подорожник большой – йирик зубтурум.

Ботаник тавсифи – Кўп йиллик ўт ўсимлик ҳисобланиб, қисқарган илдизпояга эга.

Барглари ясси овалсимон кўринишда. Гулбанди тик турувчи, 15-45 см баландликда бўлиб, асосида цилиндрсимон кўринишдаги гулўрни билан туташади.

Ўсимлик йилнинг май ойидан сентябрь ойигача (мавсумий об-ҳаво кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда) гуллайди. Меваси – кўп уруғли кўсакча (4.29-расм).

Дориворлик хусусияти. Тиббиётда барги ва қуритилмаган ер устки қисми ишлатилади. Йирик зубтурум баргларининг тиндирмаси балғам кўчирувчи восита сифатида бронхитларда, туберкулезда, астмада кўлланилади. Зубтурумнинг янги шираси меъда-ичак касалликлари – гастрит, энтерит, энтероколитларда ишлатилади. Янги терилган хўл ҳолидаги баргининг консервация қилинган шираси плантаглюцид препаратини олишда ишлатилади.

Йирик зубтурумда фитонцидларни кўплиги уни антимикроб хусусиятини таъминлайди. Ўсимлик баргларининг тиндирмаси ёки янги шираси яраларни тез битиришда, турли урилишларда, фурункулда, йирингли яраларда фойдаланилади.

Йирик зубтурум барглари таркибида ксантон глюкозиди, аукубин, алкалоидлар, камроқ ошловчи моддалар, шиллик моддалар, К витамини, уран кислоталари мавжуд. Уруғларида стероид сапонинлар, 44% шиллик моддалар, 22% ёғ, 0,16-0,17% пентозалар, 22% протеин ва 16% турли аминокислоталар топилган.



4.29-расм. *Plantago major* L.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти Миллий гербарийси маълумотларига кўра: I-5-b Мальгузарский район: Мальгузарский хр. (ур. Барас, 07.09.1937, Демурина 1633; С склон хребта, Увалсай, 14.05.2012, Азимова, Бешко); I-5-c Ургутский район: Зеравшанский хр. (Аманкутанская лесная дача, по Карагачсаю, 25.05.1933, Дробов, Сахобутдинов 46; Самаркандские горы, верховья р. Аксай, 10-15.05.1931, Бутков 173/х; Китабский заповедник, окр. с. Хожакурбан, 30.06.1987, Солдатова 75). I-6 Западно-Гиссарский округ. I-6-a Кашкадарьинский район: Гиссарский хр. (с. Чопык, 16.07.1959, Ли, Закиров 1364; окр. с. Ташкурбан, против моста в с. Зармас, 16.07.1936, Бочанцев, Бутков 971); I-6-c Байсунский район: Гиссарский хр. (басс. р. Мачай-дарья, горный проход Амир Темура, 07.06.2012, Тургинов 708; Байсунские горы, Аулат, склоны хр. Кетмен-чапты, 22.05.1930, Лепешкин; Байсунская гряда, 31.07.1931, Меркулович); I-6-d Кугитангский район: Кугитангский хр. (ущ. Танги-Дувал, в 10 км выше к/к Хатак, 14.05.1978, Набиев и др. 115; Сурханский заповедник, участок Кызылалма, сай Кызылалма, 25.05.2007, Ибрагимов 0439) терилган.

30. *Amygdalus bucharica* Korsh. – Миндаль бухарский – Бухоро бодоми.

Ботаник тавсифи – 3-8 метр баландликдаги бута. Барглари гуллаш жараёни тугагандан сўнгина шаклланади. Гуллари одатда 4-5 тадан иборат сиёхрангдаги гулкособаргчаларидан иборат. Меваси – бодомча, 3-3.5 см узунликда. Биринчи мевалаш жараёни 3-4 вегетация йилларида кузатилади (4.30-расм).

Денгиз сатҳидан 800-1900 метр баландликдаги тоғ қияликларида учрайди.

Дориворлик хусусияти. Халқ табобатида бодом мағзининг қанд билан аралаштирилгани нафас қисиши, бош айланиш сингари касалликларни даволашда кенг қўлланилади.

Бодом – озиқ эмас, фақат доридир. Бодом эса яхши озиқдир. Бодомнинг бу тури сепкил, нуктали қонталаш, офтобдан қорайишга қарши қўлланилади. У юздаги ажинларни ҳам ёзиб юборади. Бодом ейилса, семиртиради.

Қулоқнинг оғриши ва ғувуллашида фойда қилади, айниқса, аччиқ бодомнинг ёғи ва унинг янчилгани фойда қилади. Агар бодом дарахтининг илдизини майда туйиб, сирка билан ёки гул ёғи билан қўшиб пешонага қўйиб боғланса, бош оғриғига фойда қилади. Аччиқ бодомнинг ёғи ҳам шундай таъсир этади. Бу мева кўриш қувватини кучайтиради. Бодом буғдой крахмали билан бирга қўшиб ишлатилганда қон туфлашга, узоқ давом этаётган астма (зиққинафас) ва зотилжамга фойда қилади. Туйилган бодом йўтал ва қон туфлашга фойдалидир.

Бодом айниқса, аччиқ бодом жигар ва талоқдаги тиқилмаларни очади. Агар унинг янгисини пўстлоғи билан ейилса меъдани намликдан тозалайди.

Бодом буйракдаги тиқилмаларни очади. Унинг ёғи эса буйракни ва ковуқни тозалайди, тошларни майдалайди. Айниқса, гулсафсар илдизи билан қўшиб ичилса, яхши фойда қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти Миллий гербарийси маълумотларига кўра: I-5 Кухиستانский округ. I-5-а Северо-Туркестанский район: Туркестанский хр. (Гуралаш, Хатирчинккаты, 01.07.1934, Закржевский 189; ур. Гуралаш, в 7 км от метеостанции, 28.06.1955, Демурина, Булгакова 31219; верховья р. Санзар, дол. Туганбулак, 02.05.1938, Демурина); I-5-b Мальгузарский район: Мальгузарский хр. (ур. Барас, 07.09.1937, Демурина 1633; С склон хребта, Увалсай, 14.05.2012, Азимова, Бешко); I-5-с Ургутский район: Зеравшанский хр. (Аманкутанская лесная дача, по Карагачсаю, 25.05.1933, Дробов, Сахобутдинов 46; Самаркандские горы, верховья р. Аксай, 10-15.05.1931, Бутков 173/х; Китабский заповедник, окр. с. Хожакурган, 30.06.1987, Солдатова 75). I-6 Западно-Гиссарский округ. I-6-а Кашкадарь-инский район: Гиссарский хр. (с. Чопык, 16.07.1959, Ли, Закиров 1364; окр. с. Ташкурман, против моста в с. Зармас, 16.07.1936, Бочанцев, Бутков 971); I-6-с Байсунский район:

Гиссарский хр. (басс. р. Мачай-дарья, горный проход Амир Темур, 07.06.2012, Тургинов 708; Байсунские горы, Аулат, склоны хр. Кетмен-чапты, 22.05.1930, Лепешкин; Байсунская гряда, 31.07.1931, Меркулович); I-6-d Кугитангский район: Кугитангский хр. (ущ. Танги-Дувал, в 10 км выше к/к Хатак, 14.05.1978, Набиев и др. 115; Сурханский заповедник, участок Кызылалма, сай Кызылалма, 25.05.2007, Ибрагимов 0439) терилган.



4.30-расм. *Amygdalus bucharica* Korsh.

31. *Crataegus turkestanica* Pojark. – Боярышник туркестанский – Туркистон дўланаси.

Ботаник тавсифи – Ўсимликнинг барглари тукли, яшил рангда. Қисқа пояларда жойлашган барглари панжасимон кўринишда. Барглarning узунлиги 10-30 мм ва эни эса 7-30 мм гача. Асосий новдаларда барглари сезиларли даражада катта 3.5 см узунликкача бўлиши мумкин.

Гуллари 16-18 диаметрли. Йилнинг июнь ойида гуллаб, сентябрь ойида мевага киради. Денгиз сатҳидан 800-1900 метр баландликдаги тоғ қияликларида учрайди.

Тошли ва майда гилли қияликларда, қоялар орасида, гипсли қумда ҳамда жийдазорларда, дарё қирғоқ ва ирмоқларида, тоғолча-олмали, ёнғоқли ва зарангли ўрмонларда, қолдиқ тоғларда ўсади. Туркистон дўланаси Қизилқумда, Тяньшанда, Помиролойда, Копеттоғда тарқалган (4.31-расм).



4.31-расм. *Crataegus turkestanica* Pojark.

Дориворлик хусусияти. Дўлана препарати хафакон касалликларида, стенокардия, антигеоневроз, аритмия, тахикардия, атеросклероз ва климактерик невроза қўлланилади.

Туркистон дўланасининг меваси таркибида 9,9%-углеводлар, 0,3% гача сахарозалар, 4,0%-пектин, витамин С, ошловчи моддалар, катахинлар: эпикатехин, лейкоантоцианидлар ва бошқалар мавжуд.

